




м. 320 3
332
119

МУҲАММАД
АЛИ

ОҶ НУР

ШЕЪРЛАР
ВА
ДОСТОНЛАР

284/35-3



Али, Муҳаммад.

Оқ нур. Шеърлар ва дostonлар. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

96 б.

Муҳаммад Али (Аҳмедов Муҳаммадали) 1942 йилда Андижон область, Бўз районидаги Бешгул қишлоғида туғилган. 1966 йилда М. Горький номидаги Адабиёт институтини тамомлаган. Биринчи шеърлар тўплами „Фазодаги ҳислар“ 1967 йилда босилиб чиқди. Шундан кейин унинг „Шафақ“ (1968), „Оталар юрти“ (1970), „Алвон чечаклар“ (1973), „Дostonлар“ (1974), рус тилида „Голоса жизни“ (1975), болалар учун „Ниначи ҳақида эртан“ (1977) номли тўпламлари нашр этилди.

Муҳаммад Алининг „Машраб“, „Гумбаздаги нур“, „Йигирма етти ёшим“, „Заминда яшаймиз“, „Боқий дунё“, каби дostonлари китобхонлар оммасига кўпдан буён таниш.

У таржима билан ҳам шуғулланади. Ҳорақалпоқ халқ, дostonи „Шаҳриёр“, шунингдек, Байрон, Роберт Бёрнс, Абай каби шоирларнинг айрим асарлари ўзбек ўқувчисига Муҳаммад Али таржимасида маълумдир.

Шоир Муҳаммад Али 1976 йилда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди.

Шоирнинг янги тўплами „Оқ нур“га кейинги йилларда яратган шеърлари ва „Бешгул“, „Ошиқлар эртаги“ дostonлари киритилди.

Али, Муҳаммад. Светлый луч. Стихи и поэмы.

Уз2

М $\frac{70403-72}{352(06)-77}$ 29—77

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 й.



*Шоирдан шеър сўраманг. Сўранг аксинча бундоқ:
Халққа қараб аён эт, эй шоир, кимсан ўзинг?
Ризқу рўзингни берган қайси боғдир, қайси боғ,
Қаердан қанот олди, парвоз айлади сўзинг?*

Сен шоирсан, қалбингда бор илоҳий бир ўт,
Қаҳратонлар чекингуси учқунларидан.
Қўлларингга олганигда нозик адо уд,
Юракларга шиддат киргай сас-унларидан.

Хаёлларинг чаманларни чизгай ҳавода,
Чаманларнинг гулларига бергай турфа ранг.
Меҳрибонлик кўргизурсан бешак, мабодо
Бирор гулнинг дўл қайириб ҳоли бўлса танг.

Ҳаёт деган иқлим борки, сенинг ҳақинг мўл,
Қадамингда гупиради бемисл қудрат!
Наҳот ҳали тоғларда бор сен солмаган йўл,
Наҳотки бор сен олмаган шон-шараф, шухрат!!

Наҳотки бор сен туймаган меҳри мўътабар!
Бордир ҳали овозингга тушмаган суруд!
Сен кирмаган майдон бордир, сен кўрмаган
қаър,
Сен кечмаган дали дарё, сен ёнмаган ўт!

Ҳаёт улуғ, қаламини чархлаган шоир
Биллур ичра ўйноқлаган нурдай беҳисоб.
Хавотирга тушма, шоир, сен инсон ахир,
Тирик инсон имконида бор ҳисоб-китоб.

**Балки, балки сен тоғларга соломассан йўл,
Утолмассан у йўл билан майдонлар сари.
Чехраларда балқимас ҳам, кезмас ҳам буткул
Сен ёнмоқчи бўлган ўтнинг шаён шуълалари.**

**Эҳтимолки, оломассан шон-шарафлар ҳам,
Оқолмассан сен кечмаган дарё сувидек...
О, барида, барчасида эркинсан, жўрам,
Огоҳ бўлгил, бир нарсада шоирда йўқ эрк:**

**Офтоб мисол ҳақиқатга солсанг кўзингни,
Туз ҳурмати, нон ҳурмати — рост сўзла фақат!
Йўқса... бордир учиргувчи еллар сўзингни,
Бордир ҳали сен кўрмаган иснод ва нафрат!**

1975

Қировли саҳарлар
Қолдилар йироқ,
Эсимга тушмоқда
Қуёшли чоғлар.
Томларда «лов» этди
Лолақизғалдоқ,
Шамоллар сеҳридан
Уйғонди боғлар.

Ҳамиша ҳаётнинг
Қудрати ғолиб,
Ёруғ кун андуҳни
Айлайди унут.
Тугилган мушт каби
Кўкка ўқталиб
Барг ёзмоқ пайида
Каллакланган тут.

Қиш ичи увишган
Танини ёзиб,
Чипта қоп тўнини
Ташлагани зум,
Томга чиқайин деб,
Қўлларин чўзиб,

**Тармашиб ётибди
Эринчоқ узум.**

**Зил-замбил қопқоқли
Сандиқ ичидан
Авайлаб олинар
Атлас кўйлақлар.
Қизлар кийиб ўтар
Катта кўчадан,
Куймаса ҳам куяр
Ошиқ юраклар!**

**Пичан ўримига
Фурсат бўлса ҳам,
Бозорга борар-да
Кезиб худди хон,
Ўроқнинг минг хилин
Кўриб, чннакам
Қиличдай кескирин
Танлайди деҳқон.**

**Отам гулқайчисин
Қидирар томдан,
Яхши ният, дейди,
Одамга тирак.
Боғнинг бир четида,
Саҳармардондан
Қатор қилиб экар
Қаламча терак.**

**«Кичкина укангни
Ўйлайман кўпроқ,
Қолганинг-ку йўлинг
Топиб кетарсан.
Ниҳоллар ҳадемай
Ёзади япроқ,**

**Беор ва ўсувчан
Бўлар бу нарсас.**

**Тўрттасин чорчўпга
Чамалар кўнглим,
Вассажуфт чиқади
Булардан эса,
Уй қуриб бераман,
Борди-ю ўғлим
Каттароқ кенг уйга
Кўчамадан деса...»**

**...Дилларда баҳорнинг
Момиқли зарби,
Кўнгилда тирилар
Ҳавас ва сеҳр.
Дунё ўн тўрт кунлик
Тўлин ой каби
Тошдай дийдада ҳам
Уйғотур меҳр!**

**Қишнинг уйқусидан
Турайлик тезроқ,
Йўқ эса, бизлардан
Кулар бу чоғлар,
Аллақачон томда
Ёнган қизғалдоқ,
Шамоллар сеҳридан
Уйғонган боғлар!**

1973

**Кунчиқарга қараб тушган пешайвонлик уй,
Дарахтлари сийраккина, кафтдаккина боғ.
Арава ҳам зўрға сиғар салқин кўча-кўй,
Боғлай десанг белга тасма бўларли қишлоқ...**

**Жазирада жизғанаги чиққан биёбон,
Сап-сарғайган лойқа сувдан лим-лим оққан сой.
Кундузлари бошгинангда ёйилган осмон,
Кечалари чарх товоқдек тўлиб боққан ой...**

**Ёш шуурга бўй бермаган югурик хаёл,
Хаёлни ҳам ҳайратларга буркаган ҳавас.
Ва ниҳоят, оҳу кўзли бир соҳибжамол...
Соҳибжамол... Болалигим тугар шунда, бас!**

1975

Эшвой мерган ўғлига деди оқшом маҳали:
«Бир газага чиқайлик! Оби ҳаво жуда мос!
Ҳаво анча юмшаган, унинг устига, ҳали
Кўл томон учиб ўтди гала-гала ўрдак-ғоз.

Енгил шовуш боғлаган кўл ёқади барига;
Чағчаглашиб, дил ёзиб, қувалашиб ўйнайдир.
Тўйга чорлар карнайдай ғознинг «ғо-ғо»ларига
Илвасин қайда бўлса етиб келмай қўймайдир.

Субҳи содиқда қушлар кўкка парвоз қилади,
Эпчил бўлсанг отиб қол!— Эшвой мерган шундай
дер.—

Садоқларга сочмадан кўпроқ олсанг бўлади,
Мерганзода, бор, шайлан, тозингга ҳам овқат бер!»

Шертой ҳаприқиб кетар кутилмаган таклифдан;
Доим ҳам олиб бормас овга ахир чол уни!
Пўстинни топди, итни ечиб қўйди халитдан,
Михдаги милтиқларнинг тозалади чангини.

Гарчи кеча зим-зиё, пойлаб турар хавф-хатар,
На ҳайиқар иккиси, на қўрқар, жон ҳовучлар,

Қадамма-қадам ўғил, олдинда эса падар —
Газа томон боради ота-бола овчилар.

Кўлнинг — чапига Эшвой, ўнгига Шертой юрди,
Иккиси икни жойда ўлжа кутгани маъқул.
Шертой пўстинда қанча мизғиди, билмас. Кўрди:
Ёришиб келмоқдайди саҳни сайхон кумуш кўл.

Кўшоғизлар кетма-кет сайраб қолишди шунда,
Шертой милтиқ қўндоғин елкасига қадайдди.
Бирдан чап ёқ шитирлар. Ё, қудратингдан! Унга
Нариоқдан битта қиз сал ийманиб қарайди!

Яширса-да чехрасин, елвагай ҳовур парда,
Аёздан ёниб юзи ойдай кўринар кўзга!
Тангри бандаларига кўз улашган маҳалда
«Бор-ей!» — деб бир жуфт юлдуз ҳадя қилибди
қизга!

Хуллас, Шертойнинг ови бароридан келмади,
Мерганзода ўқларин хато кетди барчаси.
Инсми, жинсми, парими — у томонин билмади,
Лекин билди, шу эди кўнглининг ойпарчаси.

Отасининг ови мўл: кўк ғоз, ўрдагу чуррак,
Сўқсун ҳам қорабовур, қашқалдоғу тустовуқ.
Шертойни кўриб деди: «Ҳали гўдак-да, гўдак,
Папашангдир болалар, болаларда мўлжал йўқ.

Мен ўрдакнинг кўзидан урар эдим ҳавода,
Мерган ўғлининг ҳоли шундай бўлдим ҳали!»
Шертой эса индамас, қайдан ҳам билар ота,
Мутлақо бошқа ахир болаларнинг мўлжали!..

1971

Оқшом қўна бошлар қишлоққа мана,
Ҳар уйдан келади жаз-бузлар саси.
Ҳазилмас, йилда бир бўлажак сана!
Ошиқиб-тошиқиб кўнглим ҳаваси,
Дастурхон қошига чўқдим ҳар қалай,
Қўлимда қадаҳда лимиллайди май.

Давранинг каттаси ўзингиз доим,
Отажон, кирдингиз олтмиш беш ёшга.
Ҳаётни севдингиз қатъий ва қоим,
Гарчи не фасллар тушмади бошга.
Бу кун ёнингизда тўққиз фарзанд шай!
Қўлимда қадаҳда жимирлайди май.

Қозон тепасида ўзингиз, она,
Чарчашни билмайсиз, елиб юрасиз.
Ўғиллар бўйига қараб пинҳона,
Ҳар бирин ёнида келин кўрасиз.
«Шу кунга етказсин,— дейсиз,— айланай!»
Қўлимда қадаҳда ол товланур май.

Фақатгина булут ошнолик қилмас,
Биргина шамолнинг бўлмагай дўсти.

**Дўстсиз умр недир! Тузсиз ошдир, бас,
Дўстим, сенинг билан ёш завқим ўсди!
Кўнглим камол топди мустарлик кўрмай!
Қўлимда қадаҳда оловланур май.**

**Яқинроқ ўлтиргил, суюк дилбарим,
Сокин кўзларингда чақнаб турсин ўт.
Ул ўтдан ўт олсин дилимнинг қаъри,
Қалбим қанот қоқсин бамисли бургут,
Мен эса севгига шукрона айтай!
Қўлимда қадаҳда жилоланур май.**

**Тоғлар қулласида эримайди қор,
Замоннинг йўқ эрур тин олар чоғи.
Мен умр тилайман, эй меҳнатга ёр,
Ўзбекистон, юртим, мангулик боғим!
Онажон! Сени деб нечун нўш этмай!
Қўлимда қадаҳда ороланур май!**

1974

24353

Кемалар бостириб келишин қўймас
Денгизни қиличдек бўлиб иккига.
Интилар ғолиблик завқи билан маст,
Олмос ғурурини қўйиб эркига.

Денгиз пишқиришин, аччигин қўймас,
Гўлларча қолмоқлик ёқмайди унга.
Қаҳру ғазабини шу он маст-аласт
Сочиб юборади тўлқин-тўлқинга.

Кемалар бостириб келишин қўймас,
Қайтарми мақсаднинг этагин тутган!
Узининг қилмишин ёмонга йўймас,
Ўзганинг эрк ҳиссин, умрин унутган!
Денгиз пишқиришин, аччиғин қўймас,
Занжирдай туюлар кемалар унга.
Эркин тушунмаган бунчалар куймас
Кемага кифт қўйган оқ ёл тўлқинга.

Кемалар бостириб келишин қўймас,
Денгиз итқитай дер уларни нари.
Шундай: бунга биров ҳайрон ҳам бўлмас,
Оддий манзарани кўрган сингари...

1970, Орол денгизи

2—205



Достон

Менинг сокит масканим,
қутлайман сени.

А. С. Пушкин.

I

Йироқлардан учиб келар битта парвона,
Мен бағринга қайтмоқдаман, бу—менман, Она!
Аллақандай қанотли руҳ, қордай пок сурур
Тўниб қолган туйғуларга бориб уринур.
Киндик қони тўкилган ер — саждагоҳ буюк...
Инсон учун жой топилмас бундан ҳам суюк!
Болалигим билан суҳбат қурарман унда,
Асфальт йўлда машина ҳам елар қуюндай!
Қадим Бешгул, она қишлоқ, дўппидек макон,
Москвадан қайтмоқдаман, мана, сен томон.

II

Табиат-ку, сенга берган беназир чирой,
Ёнда — нилий ҳошияли бир ҳовлиқма сой,
Бир томонинг Шаҳрихондир, бир ёгинг — Қува,
Бир томонинг — пахта майдон, ям-яшил ува...
Соғинч ҳисси юракда-ю, ёдимда бир-бир
Олис ўтмиш, бугун, эртанг чизмакда тасвир.
Не тонг, ахир сенга битта фарзанд эрурман,
Сенинг мўъжаз юрагингда қалққан ғурурман.
Ёзмакдаман, хушнуд этсам деб умидворман,
Ёзмасам гар на шоирман, на йўқ, на борман.

III

...Ун саккизга кирганимда тошиб, тўлиқиб,
Хурсандлигим ичга сиғмай, багрингдан чиқиб
Уқимоққа Москвага бўлдим равона,
Ортда маъюс қараб қолдинг бамисол она.
Олис ёқда қийналмасми иш кўрмаган бош!
Одам таниб, яхшиларга бўларми йўлдош!
Ёғли патир қўмсаб қолса, ким ёпиб берар!
Шакарпалак қовун деса, ким топиб берар!—
Қолдинг, шундай хавотирлар, ташвишларга ғарқ,
Ёшлик экан, кетавердим мен эса бефарқ.

IV

Кўк «Волга»да келин-куёв ўтишди. Дарҳол
Сутдек оппоқ кечаларга етаклар хаёл:
...Ясатиғлик аравада келмакда келин,
Ёш-яланглар эса тўсмак бўлади йўлин.
Белбоғлардан тугилади бирпасда арқон,
«Ёр-ёр, ўлан» садосига тўлиб ер-осмон,
Арава ҳам яқинлашар: «Тўйлар муборак!»
«Келинлошшо белбоққа бой бўлсалар керак!»
«Дастрўмоллик бўлиб қолсак ажабмас ахир!»
«Қарз»ни узиб қимирлайди арава охир.

V

«Бешкал» эди сенинг номинг подшо замони.
Девор каби қулади-ю Қўқоннинг хони,
Қишлоқдаги пайкалларки хат қилмоқ учун
Танобчилар ер ўлчашга келишар бир кун.
Беш йигитни қўшиб берар тезда оқсоқол.
Фавқулодда, дев жуссали, содда-ю ҳалол,
Яланг даврон йигитларнинг бари кал экан,
Бири ярғоқ, бири яғир, бири сал экан!

**Танобчилар кула-кула дебдилар: «Беш кал!»
Ушаларнинг ҳимматидан қолган бу ишқал.**

VI

**Йўлдош ота келганида қишлоққа или бор
«Бешқал» номи оқсоқолга ёқмабди зинҳор:
«Ахир бунда тулпор отнинг туёғидай ер
Меҳнат қилсанг, ботмон-ботмон пахта берай дер!
«Бешқал» эмас, «Бешгул» дея атанглар энди,
Энди юртнинг манглайида толе кўринди...
Булбул инин парваришлар, бизлар-ку — инсон,
Гулзор бўлсин, боғ-роғ бўлсин жон Ўзбекистон!»
Отам эслар бугун: «Топган келтираркан гул:
Йўлдош ота ҳимматидан қолгандир Бешгул!»**

VII

**...Қиш кунлари зерикарли кечар, бесурур,
Туюлади сукунатда ўтгандай умр.
Қор қўйнида мудраб ётар суронли ҳаёт,
Чарчоғини чиқармоқда балки коинот...
Лекин қаранг, жимликнинг ҳам тўлғоқ дарди бор:
Милтиқларнинг «пақ-пақ»ида қолди тўқайзор!
Қамаштирар, кўзни олар қорнинг жилваси,
Афсус, ўққа ем бўлди-да, бирор илвасин!
Хув... қор узра елиб борар бир қора нуқта,
У тозидир, ов ортидан учмоқда ўқдай.**

VIII

**Овни шундай ардоқлайди, севади отам!
Қалби титрар эсга тушса ўша олис дам,
Хаёлида тустовуқлар юрарди чоғи,
Гала-гала ўрдақларни кўрарди чоғи.
Менинг овга меҳрим борми, йўқми, билмайман,**

Милтиқ нима, ўрдак нима — парво қилмайман.
Чунки овим ўзгачадир, орзум ҳам ўзга,
Қушдан кўра муштоқдирман бир ширин сўзга,
Сўз билан дил овламоқдир мурод ва ният,
Курашлардан тап тормасин, дейман, шеърият!

IX

...Машинага эргашар тол, югурар терак,
Олисларда ер айланар, бўлар чирпирак.
Олисларда тенгқурларим қўриқ очадир,
Ҳали пинҳон чаманларга йўриқ очадир.
Чорак аср остонаси ортимда, мана,
Не-не кураш, меҳнат, синов олдимда яна.
Қалам тутсам, Алишерни кўраман ногоҳ,
Арслон кўзли Ойбек боқар — шиддатли нигоҳ!
Шеъриятда қўриқ очмоқ истаса шоир,
Халқ дилида нелар пинҳон — илғасин моҳир!

X

Қарайману йигитликнинг хаёлларига,
Ўсмирликнинг уч-қуйруқсиз саволларига
Интиламан. Лекин мендан қочади улар,
Гўё лабдан бир умрга учган кулгулар.
Ихтиёрсиз далаларга чиқиб кетаман,
Жимиб ётган кенгликлардан садо кутаман.
Тўқайларни ҳайдаб солган пахтазор ҳам жим,
Пахтазорга термиламан, толиқар кўзим!
Жимлик, жимлик... Туриб қолдим термилиб узоқ:
Ўсмирлигим ётган бундан мисоли чақмоқ.

XI

Ана, пайкал аро юрар суворий йигит,
Осмондаги юлдузлардай саноқсиз чигит

Эгатларга қўйилади. Шунда чавандоз
Хиргойисин бошлайди-ю дил ёзар бир оз:
«Хаёлимда пари бўлган, пари бўлган қиз,
Нечун бизни қолдирдингиз йўлларда ёлғиз!
Ёлғизликнинг дарди ёмон, дарди ёмон-ей,
Унга кўнгил боғлаганлар топмас омон-ей!»
Яна ерга чигит экар. Умидми чигит!
Пайкал аро от суради суворий йигит.

XII

Бу ерларда мол боққандим неча-неча йил,
Қир ҳам билар, сой ҳам билар — барчаси кафил.
Апил-тапил мактаб бориш, қайтиш шу йўсин,
Меҳр қўйиб ўқимоққа вақт бермас изн...
Изн эмиш! Қўлимда-ку барча изн, ҳа!
Болаларча солар эдим довруқ, қаҳқаҳа!
Сассизгина тинглар эди ўйчан далалар,
Нечун ахир,— англамасдим ўша паллалар.
Бир оғиз сўз гапирмайди далалар ҳамон,
Ҳамон гоҳ нур, гоҳи ёмғир ёғдирар осмон.

XIII

Ғаройибот болалигим, қандай сеҳринг бор!
Қад ростлайсан хотиралар ичра улугвор!
Рўза ойи, кеч кирганда болалар бари
Ҳар эшикда такрорлардик тўти сингари:
 «Косага бўғдой қўйгандим,
 Ундимикин-о, ундимикин-а!
 Фалончихонлар чиқмайди,
 Тугдимикин-о, тугдимикин-а!..»
Кеч қолганлар чиқмагунча тинчимасдик биз,
Йўлга сиғмай тошар эди қувноқ сафимиз.
Сўнгра хуфтон қилар эдик рамазон айта,
«Уй-уйига!» — деб қўярдик, уйларга қайта...

Баҳор бўлса, чорларди-ю яйлов, далалар,
 Чиллак-даста ўйнар эдик ҳамма болалар.
 Ёз кунлари хуш ёқарди зангори осмон,
 Зор кутардик полизларга келмагин хазон.
 Хазанаклар териб емак гашти қандай соз,
 Кузги боғлар оғушида дамлар сарафроз...
 Бугун эса укаларим юмуш ила банд,
 Бош қашувга қўли тегмас катталар монанд,
 Бекинмачоқ, чиллак ўйнаш уларга ордай,
 Бошларида худди дунё ташвиши бордай.

XV

Сидқидилдан эслар, билар бизнинг ёш насл,
 Ҳали кезмай далаларда заъфарон фасл,
 Қишлоқ аро тўй-маърака айланганини,
 Эл тарафга шодумонлик шайланганини!
 Тўйхонага келаверар ёшу қари — жам,
 Қаҳқаҳадан яралгандай гўё бу олам,
 Саҳаргача сафо этар буғдой ранг юзлар,
 Қарсаклардан ухлай олмас кўкда юлдузлар!
 Шундай! Қишлоқ базмларин кўрмаган инсон
 Бу дунёга келмабди ҳеч, десалар, ишон!

XVI

Тўй! Демакки, ўша ерда фароғат, ҳузур!
 «Тўй» сўзидан оқажакдир кўнгилларга нур!
 Азон туриб қарасангиз бир бола келар,
 Велосипед минганича келмасу елар:
 «Мамат ака ёппасига тўйга айтади!»—
 Бирпасдаёқ юртни тўйга айтиб қайтади.
 Қани энди, отланинг, ҳей, Мухаммад Али!
 Уйда ётиб бўлармиди тўйлар маҳали!!

**«Тўйга борсанг—тўйиб боргин!»—деган замонмас!
Дўстлар ила бу тўйда бир маст бўлайлик, маст!**

XVII

**Келишмоқда чавандозлар! Йўлдан қоч, бола!
Ана соврин, ана гилам, ана сарполар!
Бир йил, бир йил — ўн икки ой тинмаган қишлоқ,
Ҳордиқни ҳам ёдга олиб бермоқда улоқ!
Эпчили ким! Қани кимнинг тулпори аъло!
Балки Рустам ютиб чиқар, Абдуқаҳҳор ё!
Йигит учун элга кулги бўлиш ёмон сўз!
Отим қани! Мен ҳеч кимга очтирмайман кўз!
Жўралар, ҳой, отни қичанг, эл турса қараб,
Юракларга шер шиддати кирар, очиқ гап!**

XVIII

**Чоллар эса давра қуриб, бўлишиб тўп-тўп
Кечалари дostonхонлик қилишарди хўп.
Қимир этмай тинглашарди, ўқиб берардим:
Алпомишнинг заҳматларин, Равшаннинг дардин,
Гўрўғлининг шиддатларин яқин сезарлар,
Жилмаярлар, ногаҳоний ғамдан безарлар:
«О, Кунтуғмиш! Холбекангда қолмади бардош...»—
Дейдилар-да, кўзларида ҳалқаланар ёш.
Сеҳргар сўз, сен қанчалар қудрати улуг!
Шафқатли дил, сен қанчалар тенгсиз ва буюк!**

XIX

**Кексаларнинг бугун жуда ўйлари фузун,
Набиралар ташвиши-ку етарлик ўзи!
Бироқ сўраб қолишади: «Хўш, нима гаплар!
Тиниб-тинчиб кетишдими, ўғлим, араблар!
Сизлар ёшсиз, сиз билмайсиз уруш деганни,**

Эсдан чиқмас ўғилларнинг жангга кетгани.
Фарзанд бўлса, тобутингни борса кўтариб,
Бизлар эса фарзандларни кўмдик, во дариг!
Қолавердик фарзандларнинг тортганча доғин,
Тополмадик эъозлашга хоки тупроғин!»

XX

Мангуликни кўзлаб қолдинг қишлоғим, мана!
Мактаб боғи гавжум, кечар мунгли тантана.
Жангоҳлардан қайтишмади йигирма ўғлон...
«Ўғлингизга ҳайкал қўйдик»,— дейишгани он
Бўй бермаган бахт тимсоли бўлиб мужассам,
«Ўғлим кепти!»— деб чопибди Кумуш кампир ҳам!
Парда тушар. Бронзада ёнар номлари...
Вақт тополмай гўё уйга қайтмоққа, бари
Она қишлоқ, она-Ватан бўлсин деб омон
Қаердадир бош кўтармай жанг қилар ҳамон!

XXI

..Мен хаёлкаш кечаларинг қўмсадим яна,
Мен дайдингни балки кутган эмассан, Она!
Бироқ, оддий ҳикмат борким, қайтса боласи,
Қучоқ очмоқ — волидининг ёлғиз чораси.
Сенга томон тахтиравон йўллар тушибди,
Карнайлардан савти наво кўкка учибди!
Гапнинг рости, шовқинингни кўрмаган эрдим,
Шовқинингга омад берсин, нима ҳам дердим;
Ўзалликни, яшаришни тан олмоқ керак,
Усиз ҳаёт қадрин, ахир, англамас юрак.

XXII

Гарчи баҳор ўтар, неча қишу ёз ўтар,
Оқсоқолнинг гапин отам ёдида тутар:

«Булбул инин парваришлар, бизлар-ку — инсон,
Гулзор бўлсин, боғ-роғ бўлсин жон Узбекистон!»
Ёшлик ўтди, билар — гарчи шовқинли дарё
Денгиз қадар суронини сақлолмас асло —
Отам колхоз даласида барпо қилди боғ,
Илк мевага оғиз тегди, энди кўнгил чоғ,
Энди хурсанд, боққа ўзин сезади масъул:
«Бу боғ Йўлдош ота айтган «Бешгул»дан бир гул!»

XXIII

Бу даҳр аро орзулардан ҳаёт битаркан,
Одам бир кун этагини қоқиб кетаркан,
Бир-бир кўздан кечирару жаҳон саройин
Ўз авлодин истиқболин ўйлайди доим.
Дунё кўрдим, ақлим кирди, бордир мақсадим:
Яшайверсин, шу диёрим — букилмас қаддим!
Қизалогим боши узра бўлсин соф осмон,
Қишлоғимнинг сукунатли бағрида шодмон
Тўйиб-тўйиб нафас олсин, билмасин алам,
Кўз ўнгида балқиб турсин қуёшли олам!

XXIV

Асрим улуг, шу асримга фарзандман магар,
Улуг асрим мадҳ этмакка шеърим сафарбар.
Унда зарра қусур кўрсам қалбим ўртанур,
Пок этай деб тиришурман. Тинмай бир умр
Қаергадир интиларкан жонсарақ дунё,
Айланаркан аста замин бир молихулё,
Ўлим нурли ҳаёлларга ташларкан парда,
Ҳаёт мангу ўрмаларкан ҳужайраларда,
Тезкор замон лол айларкан ҳаттоки нурни,
Бир нуқтада қолмоқ ахир мумкин бўлурми?

XXV

...Машина ҳам кириб келди қуюн каби тез!
Саратоннинг сариқ куни эди-да, у кез —
Ҳароратдан ҳаллосларди машина жуда.
Бокдим: қишлоқ ёнаётир ёзнинг мавжида!
Девор оша зардолулар сарғайиб пишмиш,
Яшил боғлар ўртасига йўлкалар тушмиш,
Ишкомларнинг тағларига сепилмиш сувлар...
Дил-дилигдан қайнаб чиқар маъсуд туйғулар!
Меҳнат қучган, ардоқлаган ором, фароғат,
Бари, бари фаровонлик қилар башорат...

XXVI

Кичрайгандай кўринди уй. Қотди-ку бошим:
Ёки йиллар ўтиб менинг улғайди ёшим!
Гулқайчисин қўя солиб югурар отам,
Бир лаҳзада уруғ-аймоқ, дўст-ёр бўлар жэм.
Ранг-рўйимга онам қараб чиқар бирма-бир:
Москвадан келаётир фарзанди ахир!
Елкамга қўл ташлашади бари басма-бас,
Улар менга, мен уларга қиламан ҳавас...
«Йироқлардан учиб келди битта парвона:
Қучоғингга қайтдим энди! Ассалом, Она!»

1969.

Москва-Бешгул-Тошкент

**Янги шеър сўрайверманг, қаердан олсин шоир,
Ёмби осон топилур, гарчи ҳар он топилмас.
Шеър, денгизнинг тубида жим ётгандек жавоҳир,
Сингиб ётар қалб ичра, ўз-ўзича қилмас сас.**

**Шоирдан шеър сўраманг. Сўранг аксинча бундоқ:
Халққа қараб аён эт, эй шоир, кимсан ўзинг!
Ризқу рўзингни берган қайси боғдир, қайси боғ!
Қаердан қанот олди, парвоз айлади сўзинг!**

**Оқилаи саодат, кўзи тўла садоқат,
Моҳпораи назокат азиз умрингга ёрми!
Қушга макон керакдир, инсонга эмас фақат,
Уйингда кўмир борми, ёқмоққа газинг борми!**

**Шоирдан шеър сўраманг. Сўз очинг чол-кампирдан,
Илҳақ бўлиб ўғлига интизордир йўлига!
Пахтакор қиз эллиқдан оларми кўриқ ердан!
Сув чиқарми айқириб қадим Қарши чўлига!**

**Байкал-Амур жабҳаси жар солганда жаҳонга,
Булутни тўзғитганда «Союз»нинг зар қаноти,
Ларза тушарми танга, тан недир, балки жонга,
Титратурми қалбини асрнинг зўр ҳаёти!**

**Энди бас. Уруғ сочган деҳқон каби тутинг кўз,
Қулоқ-қулоқ барг ёзар туйғуларнинг чечаги.
Кўпчиб, қаварчиқланиб тасвир учун излар сўз
Ҳосилдор тупроқ мисол шоирнинг соф юраги.**

**Йироқдаги шамолга талпинган майсалардай,
Сизга тўкиб солади гурурини, меҳрини.
Интиқу зор кутилган нурли лаҳза келар-да,
Эшитарсиз шоирнинг насимдай пок шеърини...**

1975

1

...Бола эди, меҳрибон падар
Олиб келди ўйинчоқ бир от.
Ярқирайди қайрилма эгар,
Парвозлэнар бағрида қанот.
Ота деди: «Аяб мининг, шер,
Севинг буни!» Бола демас миқ.
Сўнгра ёлғиз ўз-ўзига дер:
«Нимаси бор ичида, қизиқ!»
Минди, чопди... Тезда ўчоққа
Ўтин бўлди отгина бадбахт.
Вақт топмади меҳр қўймоққа,
Севмоқ учун қайда дейсиз вақт!

2

Улғайди у, улғайди қайсар,
Нохуш эрур сал ҳикояси:
...Ортада қолди китобу дафтар,
Мактабларнинг пиллапояси.
Уқидими, ўқимади ё —
На ўзи, на ота тушунди.
Киритгали ўқишга аммо
Ота-она хўпам уринди.
Уринди-ю қолди қийноққа,

Уқимоққа ўғил шахти йўқ.
Вақти йўқдир меҳр қўймоққа,
Севиб қолмоқ учун вақти йўқ.

3

...Гажак нусха мўйлабин силаб,
Ер супуриб шимин пойчаси,
Ялтоқланиб олар қаршилаб
Ялт-юлт қилиб нелган ойчасин.
Тун-кечалар кезарлар махмур
Чеккалашиб пана-пастқамда.
Ишқ баҳсидан топарлар ҳузур
Бахтли сезиб ўзни оламда...
Қолиб кетар севги йироқда,
Қолиб кетар ваъдалару аҳд.
Вақт топмади меҳр қўймоққа,
Севмоқ учун тополмади вақт.

4

...Ота сўзи ерларда қолди,
Ёр бермади меҳнатга бўйин.
На ишлади, на ўқий олди,
Билгани шул — томоша, ўйин...
Ёшлик ўтди чақмоқдай ёниб,
Утиб кетди барқ урган жамол.
Бир кун келиб ўғил ўртаниб:
«Воҳ ҳаёт!» — деб оҳ чекди беҳол.
Ҳаёт бўлса тинсиз учмоқда,
Елмоқ, елмоқ унинг учун бахт.
Вақти йўқдир меҳр қўймоққа,
Севмоқ учун топа олмас вақт!

1975

**Биринг икки бўлсин нима ушласанг,
Йўлларинг оқ бўлсин тоғлар қорича.
Сен ёруғ дунёда тинч юрар бўлсанг
Мен дуо қиларман умрим борича.**

**Кўзингда кўрмасам алам ранжини,
Бошингда кўрмасам тумонат савдо,
Олиб бермасанг ҳам олам ганжини,
Сендан онагинанг ризодир, ризо!**

**Ҳаётинг бемаъно туюлса, болам,
Қоронғи кўринса бу кўҳна дунё,
Кетсин деб қалбингдан ер юткур алам,
Ёришсин дунё, деб айларман дуо.**

**Юрагинг қисилса такрору такрор
Кенгликка чиққин-да, айтгин шўх ўлан.
Бу ҳам ҳасратингга келмаса бакор,
Кўнглингни бўшатгин шеър ёзмоқ билан.**

**Қадим эртакларни тинглаш создир хўп,
Олтин умрларни унда кўрарсан.
Сеҳрли ҳаётга маҳлиё бўлиб,
Бебош ўйларингни алдаб юрарсан.**

**Етишсанг, тўй берсанг юртга мабодо,
Жамшид ҳавас қилсин сенинг базминга.
Номинг дoston бўлиб юрсанг эл аро,
Мурод-мақсадинга етсанг, бас, менга.**

**Ёмонлар йўлини тутмагин минбаъд,
Фиску фасодлардан нари бўл, тўхлим.
Олгину олдирма, униб-ўс, фақат
Тириклай гўримга киритма, ўғлим!**

1970



Фарғона область Қува районидаги
«Ленинизм» колхозининг етмиш икки
ёшли Сами ота Жалилов бошлиқ
чоллар бригадаси янги ўзлаштирил-
ган ерда биринчи терим куніёқ план-
ни бажарди. Биз бунинг шоҳиди бўл-
дик.

**Қадимда бу ерлар чўл эди тақир,
Бўлиқ ғўзаларга қаранг, ёпирай!
Чигит ташланган кун кечайди ахир,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!**

**Какал пастидадир Найнаво чўли,
Беш-олти чақирим келади йўли,
Чўл ёқасин тутмиш чолларнинг қўли,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!**

**Маҳалла-кўй ичра юрар дув-дув гап,
Ҳайратда қолишар беш чолга қараб:
«Ўтирса бўлмасми соқолин тараб,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!»**

**Бешовлон яшашар бир пўст, бир мағиз,
Қуёш хўп қиздирар, дамлар кўп тигиз,
Гап сизмас оёғига ҳатто бир оғиз,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!**

**Бақамти меҳнатнинг йўлини топди;
Биттаси сув қўйди, бошқаси чопди,
Бирининг айбини ўзгаси ёпди,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!**

Чеккада бўш ётар гулдор тўрқовоқ,
Чўлларда юрибди бедана бироқ,
Киркик овози-чи, қанчалар янгроқ!
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Зерикишга қўймас кўм-кўк пахтазор
Ва лекин қишлоқда маликаи ёр —
Кампиршо зерикар, шу томони бор...
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Ўртага чанг солди айрилиқ, ҳижрон,
Наҳотки беш чолга ўша бир шийпон —
Ҳам кампир, боғу роғ, иссиқ ошиён!
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Меҳрин банд қилибди пахта жамоли,
Куй олиб учгин, эй, дала шамоли:
«Сочларим толим-толим,
Қайларда қолди чолим!
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Тавба, бундай ахир келса бўлмасми!
Кампир аҳволини билса бўлмасми!
Қуш гўшти, қазидан еса бўлмасми!
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Гап шу: қараш ҳам йўқ, келишган чоғи,
Шишиб кетган бўлса барин димоғи,
Пахтадан нам эмас кампир фироғи!
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!»

Бири дер: «Ҳой, қизлар, бўлманг тошбағир,
Пахта ҳазилмиди, иши кўп огир.
Бизда бунда соч ўриб юрибмиз ахир!...»
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

**Яхшиси, орадан йўқолмай қадр,
Сиз сомса пиширинг, сиз — ёғли патир,
Мен — палов, ошни ҳам соғинишгандир...
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!**

**Чоллар-чи, гоҳида бўлишар ҳайрон,
Нечук кампирлардан дарак йўқ ҳамон!
Ўзлари боришга қайда вақт, имкон,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!**

**Дилнинг шод бўлмоғи — кўзда ёруғ нур,
Оқ пахта очилса, оқ дилга ҳузур,
Мана, теримга ҳам етишди, шукур,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!**

**Илк терим. Иш қизғин. Кўнгиллар бутун,
План бажарилди худди шу бугун!
Кампирлар шайланар, қўлларда туғун...
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!**

**Сўрига ёнбошлар мана беш бобой:
«Хотиржам ичайлик энди аччиқ чой,
Хумордан чиқайлик, отайлик носвой,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!..»**

**Кимдир келаётир яшнаб жамоли,
Рўмолин тортқилар дала шамоли.
«Сочларим толим-толим,
Қайларда қолдим чолим!..»
Кампир тушмагурлар мунча топқир-ей!**

1972

ҒАФУРНИНГ УЙИ

(Анатолий Софроновдан)

Токи тирик эканман,
Эсимдан чиқмас бир он,
Ғафур Ғуломнинг уйи,
Ховли-боғ, ёруғ хона,
Ҳам хонадон эгаси
Хушчақчақ шоир — мезбон,
Мезбон ҳақида юрган
Яхши миш-миш, афсона...
Дастурхон кенг,
теграда оила жам, сарафроз,
Теграда ҳар ғалгидек,
ўтирибди меҳмонлар:
— Отамлашайлик!
— Майли!
— Куйласак-чи!
— Жуда соз!
Ғафур билан бўлганда
шундай кечарди онлар.
Кам сўзлар эди Ғафур,
сўзларида фасоҳат;
Ёнбошга ёстик қўйиб,
Тингламоқни севарди...
Уйламасдим, бу уйга
келар деб оғир кулфат,

Уйламасдим, босар деб,
 оғир жудолик дарди.
 Шундай қолар дер эдим;
 пиёла, коса уй, боғ,
 Улкан даврада кезган
 ашъор, куй,
 яна ашъор...
 Айтингиз, қандай қилиб
 давра бўлсин кичикроқ,
 Ахир давра руҳида қон бор,
 жон бор, дўстлик бор!
 Ҳозир ҳам: куз саҳари,
 Наманган шаҳарида,
 Дилим шод, Ғафур билан
 тургандекман ёнма-ён;
 Атрофда пионерлар —
 ёшлик ўти барида,
 Унинг бўйнидан қучиб
 кўтарар шовқин-сурон.
 Унинг шоир қалбига
 пионерлар гулхани
 Аланга-ю тафтини
 бахш этмоқчидай гўё;
 Шоирни суймак, севмак,
 мангулик умр шаънин
 Асраб эъзоз айламак
 асил эзгу муддао.
 ...Токи тирик эканман,
 эсимдан чиқмас бир он
 Ғафур Ғуломнинг уйи,
 ҳовли-боғ,
 ёруғ хона...
 Мен яна хотирамни
 титкиларман бу замон,
 Жилға каби хотирам
 уйғонмоқда пинҳона.

Ғафурнинг уйи демак —
бесаноқ уйлар, яъни:
Чексиз, беадад ерлар,
Халқлар, элатлар бугун,
Ғафурга қайтаришар,
Ғафурдан олишганин —
Кўкламнинг гул боғларин
шивирлашин бус-бутун!
Энди Ғафурнинг уйи
суронли Москвада,
Дон бўйи чўлларида,
Полтавада барқарор;
Энди Ғафурнинг уйи
қарағайзор Литвада,
Унга олис Сибирда
дўстлар қўймиш пойдевор.
Юз-юзлаб куйлаб ётган
китоблардир бу ахир,
Бутун халқимиз барин
ношири-ю посбони.
Ғафурнинг уйи энди
бепоён, бесарҳаддир,
Ҳар қайда ҳам қардошлар
орасида макони.
Катта дастурхон узра —
битта оиламиз биз;
Умримиз, ишимизга буюк дўстлик из солур...
Ғафурнинг уйи боғдир,
боғки, баҳордай тўкис,
Ғафурнинг уйи энди
Абадият аталур!

1973

Юртим осмонида ёғдулар сочиб
Жимжима юлдузлар мажлис қуради.
Мовий ҳаволарга бағрини очиб,
Кенгликлар ҳақида ҳаёл суради.
Бири Улуғбекдир, бири Алишер,
Ҳамзадир... О, улар билмаслар адад!
Улар — сувдай тирик, буюк мисли Ер,
Улар — мангу, мангу абадул абад!

Юлдуз учганини гоҳи кўрганда,
Дерларки: «Кимнингдир узилди жони».
Йўқ, буюк юлдузлар менинг ўлкамда
Бу сўзга жойлади ўзга маънони!
Қадим Ўзбекистон осмони шаффоф,
Покиза нурларга шафеълиги бор.
Менинг юлдузларим ҳар бири — офтоб,
То дунё барқарор, улар барқарор!

Кимдир англаб етса яшаш маъносин,
Шодлигин бўйига паст келса осмон,
Суюкли кўринса она маъвоси,
Жонажон туюлса бу Ўзбекистон,
Менинг юлдузларим унга бўлур ром,

**Менинг юлдузларим пориллаб қолур!
Паррехта қушлардек чарх уриб тамом
Ул шодмон дил сари шодон йўл олур!**

**Гўдак юзидаги содда бир талқин,
Қизнинг ёниб турган чехраи оли,
Чолнинг кўзидаги осуда ёлқин,
Кампирнинг олислаб кетган хаёли,
Мен туғилиб ўсган жаннатий макон,
Самарқанд, Хоразм, Тошкент... Ҳаттоки —
Офтобдек яшнаган шу Ўзбекистон
Ушал юлдузларнинг шуълаи поки!**

**Улардан ёғилур ҳақу ҳикмат, шеър,
Улардан нурафшон бу олам фақат,
Улар — сувдай тирик, буюк мисли Ер,
Улар — мангу, мангу, абадул абад!
Кўкда жам бўлишар қош қорайган чоғ,
Сафлари хатардан йироқ бир умр!
Юлдузлар! Сиздандир ёнмоқ ва ёнмоқ!
Авлодлар! Сиздандир таҳсин, ташаккур!**

1976

Эски гап бу: кўзда ёши
Дарё бўлиб бир банда,
Кунда узра шўрлик боши
Кесилай деб турганда,

Жаллод қўлга болта олар,
Ивирсинар, шу они
Бир ёш йигит елиб келар,
Оҳи чулғаб дунёни.

Бошин қўйиб кундага, дер:
«Мени чопгил, эй жаллод!»
Шериги дер: «Мени ўлдир!
Усиз менга йўқ ҳаёт!»

Иккиси ҳам қўрқмас, ботир,
Иккиси ҳам аломат.
Жонни жонга тикиб охир
Қолишибди саломат.

Қорақалпоқ оғайнилар,
Сизни ўйлаган чоғи,
Тездагина эсга келар
Ўша дўстлик сабоғи.

Айта қолай танти бир гап,
Ошно этай бир сирға:
Икки сатрин қўйсанг мақтаб,
Хуш ёқасан шоирга.

Йўқ, бу фикр йўқотмиш ранг,
Унутма шул ҳақда сен:
Гар шоирга ёқай десанг,
Туққан ерин мақта сен!

Туққан ерга боқиб тўймас,
Чўлдан топиб чиройин,
«Қорақалпоқ» сўзин қўймас,
Шоирингиз Ибройим!

Шеър — кўнгилнинг арзандаси,
Нурдан бўлган зувол,
Гоҳ йиғиси, гоҳ хандаси
Кўнгилларга ҳавола.

Қозондаги жиққа мой, гўшт,
Тандирдаги иссиқ нон,
Оқув қушда момикдай тўш,
Тулпор отга зор майдон;

Пахта пайкал, кенг, мўл дала,
Қирчиллама гулшан-боғ,
Амударё, Тупроққалъа,
Ташна бағир, шўр тупроқ;

Кенг қабоқли, тор мийиқли
Гули гулнор моҳи нур —
Ҳам тамизли, ҳам тийиқли
Шеъримизга ранг эрур!

**Шеърият — бир олтин сарой,
Ватан — сарой бекаси,
Чиройга бой, талъати ой
Бекаларнинг эркаси.**

**Шу бекага умр тилаб
Покиза руҳ этинг бахш!
Оқ қогозга қўйингиз лаб,
Оқлик бўлсин дилга нақш!**

**Ғурбатларда қолсангиз гар,
Ғам чексангиз, бовурдош,
Ғуноҳингиз шоир сўрар
Ва кундага қўяр бош.**

**Сўз дедими — қайтмас шоир!
Бир иш бўлар аломат.
Жонни жонга тикиб охир,
Қолажакмиз саломат!**

1973



*Менинг она юртим Ўзбекистондир,
Шу ерда тингладим булбул куйини,
Шу ерда англадим илк бор қачондир
Ноннинг мазасини, гулнинг бўйини!*

НОМАЪЛУМ ЎЗБЕК СОЛДАТИГА

Москва мудрофааси жангларида
Луговая станцияси ёнида ҳалок бўлган
номаълум ўзбек солдатининг хоки
келтирилиб Тошкентда В. И. Ленин
майдонида дафн этилди.

Исминг нима эди, эй ғойиб ўғлон!
Балки суюк Абурайҳондир.
Балки Йўлдош, балки Машраб, ё Султон —
Бари жаҳон ичра ниҳондир.
Ёшинг нечадайди! Йигирмадами!
Тиғ текканми эди муртингга!
Бугун туг солганда зафар байрами
Қайтиб келдинг она юртингга.

Шавкатли, шарафли Тошкент пойтахт,
Қадамингга поёндоз солди.
Онадёк авайлаб, сени билиб бахт,
Оғушига оҳиста олди.
Онанг Фарғонада ҳамон йўл пойлар,
Сендан сўйлаб ҳануз кўнгли тоғ.
Андижонда ёринг кутмоқда ойлар,
Синиқ хотир, паришон димоғ...

Ўша ёринг, ўша сен гул тутганда
Сал жилмайиб гулинг олган қиз.
«Муҳаббат» каломи мафтун этганда
Дунёларга сиғмай қолган қиз.
Қалбида севгининг нашьасин сўриб,
Хаёлида суйиб-суймаган.

Сени муюлишда ногаҳон кўриб,
Қарагану тўйиб-тўймаган...

Сўнг эса кўзингга боқишдан қўрқиб
Ховли ичра урган ўзини,
Мисоли оҳудай ҳайиқиб, ҳурқиб,
Жавдиратиб шаҳло кўзини.
Рўмолча тикай деб номингга атаб,
Игна ишин қўлига олган,
Ўзбек боғларининг бўлаги санаб,
Нақшин нигор турфа гул солган...

Фашист жанг бошлайди юртга ташланиб,
Жангмас, асли эски қасдку-я.
Талотўпда қолса Пушкин Ватани,
Уққа нишон бўлса Москва,
Лат емасми ўзбек шаъни, эй ўғлон,
Бағримиздан қонлар оқмасми!
Ўзбек боғларига эсиб бодхазон,
Ғам кўксига нола тақмасми!

Тўхтамасми мавждан она Сирдарё,
Мунғаймасми далалар ахир!
Ўзбек осмонига суртилиб қаро,
Осмонлардан ёғмасми қаҳр!
Бел боғладинг: «Она, сен рози бўл!»— деб,
Ўзбекистон сари буриб юз,
Россиянинг ботир ўғлони бўлиб,
Майдонларда от сурдинг хануз!..

Бу кун Ўзбекистон гирдикапалак,
Ўзида йўқ, сенга парвона.
Ахир ойлар, йиллар кутиб жон ҳалак,
Умид узиб қўйганди Она!
Бундоқ бўлишини кутмовди ёринг,—
Тушидами ахир кўрибди!—

**Онангининг ёшидан ўтган дилдоринг
Ана сенга боқиб турибди...**

**Сен инъом айлаган иқбол тафсири
Сигмагуси шоир сўзига.
Сен мангу ёш қолдинг — жўн бунинг сириг
Тик қарадинг ўлим кўзига!
Сендай ўғил юрти нурларга тўлгай,
Осмони ҳеч кўрмагай зоғлар!
Рўмолча тикилгай, кутишлар бўлгай,
Шовуллагай мангулик боғлар...**

1975

Дўстим, ёқут ёзувчиси
Василий Протодеяконовга

Тухфалар турфа хил бўлур дунёда,
Аммо бу баридан зўру зиёда,
Ерда йўқ қиёси, тенги — самода!
Сен дединг: «Тухфам ол, бутун бошли кўл,
Қубалақ — музли кўл, чағир тошли кўл!»

Қубалақ, Қубалақ, эй мовий хаёл,
Ғалат эшитилур гапим эҳтимол,
Мавжланма, оғанга бир дам қулоқ сол:
Жойинг тайин эрур бизнинг томонда,
Менинг жоним юртим Ўзбекистонда!

Тошкент ўртасини эсла бир сидра:
Бир ёқ — Шайхонтаҳур, бир тараф — Хадра,
Кўчириб келгайман қатрама-қатра!
Олимлар қачондир қилмоқчийди кўл...
Қубалақ, шу жойга сиғарсан буткул!

Бўйингга эккайман азим чинорлар,
Шовуллаб сас бергай фасли баҳорлар,
Киш келиб, бўралаб ёққанда қорлар,
Оппоқ сукунатга чўмилган онинг,
Эсингга оларсан Ёқутистонинг.

**Хиёбон айлагум бир соҳилини,
Юраги ҳаприқиб, кўнгли илиниб,
Шунда кутгай ёрлар соҳибдилини...
Фақат қўш каптарлар хиёбони бу!
Достони дафтарлар хиёбони бу!**

**Бир четга қургайман шинам чойхона,
Ҳам мармар ўчоқли зўр паловхона,
Яна бир четига — чинглинг майхона...
Қиттак отсак, не тонг, хуш айём пайти,
Дўстликнинг ҳақиға тасанно айтиб!**

**Айтинг, қай шоирда бордир бундоқ кўл!
Манглайи ярқироқ, сийнаси оқ кўл!
Эл ичра кўксимни айлади тоғ, кўл!
Салламно дўстликнинг сеҳру сўзига!
Сеҳру сўзига-ю ўзи, ўзига!**

1975

Жонажон республикамнинг шонли
50 йиллигига бағишлайман.

1

**Олқиш, эй меҳрибон, қаттиққўл ҳаёт,
Залворинг елкамга ортганинг учун!
Ҳайратда қолдириб ёш қалбни бот-бот
Сехр-ла бағрингга тортганинг учун!**

**Менинг она юртим Ўзбекистондир,
Шу ерда тингладим бўлбўл куйини,
Шу ерда англадим илк бор қачондир,
Ноннинг мазасини, гулнинг бўйини!**

**Мен энди бўстонлар ҳуснига боқиб,
Оқни оқ дегайман, қорани — қора.
Ҳаёт, айтганингга қўлогим қоқиб,
Неки муаммодир — топгайман чора!**

**Эй, Ҳаёт! Оламдай сирли ва суюк
Сен доим ғолибсан жанги мамотда.
Сен севги қадарли юксак ва буюк,
Севгидай мураккаб, севгидай содда...**

2

**Отилган ўқ каби учмоқда замон,
Қўл силкиб қолмоқда ҳангу манг йиллар.**

**Гул уруғ сепилса, шу лаҳза, шу он,
Чанглатмоқ дардида ғувиллар еллар.**

**Соқолин қиртишлаб, ҳали ёшман деб
Юришган оталар ҳайрон қолалар:
«Биз-ку қаримоқни кўрмас эдик эп,
Аммо қаритмоқда ўсиб болалар...»**

**Барига замоннинг шиддати сабаб,
Товуш, нур тезлиги унинг раъйида.
Кемалар учирдик биз нўкка қараб,
Замонни қўлларга олмоқ пайида!**

**Эй, Замон! Оламдай сирли ва суюк
Сенга етиб бўлмас ҳатто ғиротда!
Сен хаёл қадарли юксак ва буюк
Хаёлдай беқарор, хаёлдай содда...**

3

**Илмнинг йўллари эмасдир осон,
Гул деб тутганингнинг бўлури тикани.
Ўзбекнинг донғини этмоқда дoston
Улуғбек шўҳрати, Беруний шаъни!**

**Ҳаётнинг кўркидир, дўстлар, илму шеър,
Дунёга бергисиз инжиқлиги бор.
«Менга борлигингни бахшида эт!» — дер,
«Мен бутун умрингга,— дейди,— талабгор!»**

**Ривож топармиди улуғу фунун
Завқ аён этмаса ўздан кечиб мард!
Улкан Ой сирини билмоқлик учун,
Энг кичик заррани билмоқ бўлди шарт!**

**Эй, Илм! Оламдай сирли ва суюк,
Оламнинг ўзи ҳам сен-ла обод-да!
Сен сеҳр қадарли юксак ва буюк
Сеҳрдай серфусун, сеҳрдай содда...**

4

**Улка қирларида балқиган чирой
Тириклик, умрнинг қути, неъмат,
Обод юрт, боғу роғ, не-не уй, сарой,
Сенинг ҳимматингдир, инсон меҳнати!**

**Оловдай гул ёниб турса қиш-қорда,
Боғбонга санолар ўқилса арзир...
Бу не саодатким, она диёрда
Меҳнатнинг сеҳрига бўлмишмиз асир!**

**Бир парча нонини ҳалоллаб еган
Халқимнинг кўкраги кўкдан баландроқ!
Дейдилар: «Яхшидан боғ қолар экан»,
Бизлардан боғ қолган, биздан қолур боғ!**

**Эй, Меҳнат! Оламдай сирли ва суюн,
Сен — кимё, сен — иксир, сен — асл модда!
Сен меҳр қадарли юксак ва буюк,
Меҳрдай керакли, меҳрдай содда...**

5

**Ватаним! Кўнглимнинг лавҳида борсан,
Борлигим куйдирар ўт эҳтиросинг.
Бугун эллик ёшга кирган диёрсан,
Бугун тараддудда хонаи хосинг.**

**Йўлларга сув сепиб қизу ўғлонлар,
Меҳмон кутмоқ билан банд бўлур бу кун.**

**Ўзбек жонни тикар келса меҳмонлар,
Уйнинг тўрисин ҳам бўшатар бутун!**

**Кўзларга жо бўлдинг, эй онаизор!
Номинг қасамёддай тиллардан тушмас!
Еткурмаган эсак дилингга озор,
Оқ сутинг оқлаган эсак, Она, бас!**

**Эй, Ватан! Оламдай сирли ва суюк,
Бизга толедурсан хориқулодда!
Сен имон қадарли юксак ва буюк,
Имондай барқарор, имондай содда...**

6

**Тоғларни чорласа обиранг фалак,
Ўсиб тоғ бўлмоқни истар адирлар.
Хатто умри қисқа жажжи капалэк
Дилида бир дунё орзу қадрлар.**

**Қирда униб чиққан бир дона лола,
Номдор чаманларни қилмайди писанд.
Чопқиллаб тўп тепиб юрган ёш бола,
Шу топда юрт очган Колумбдан баланд.**

**Кампиршо юз билан юз кўришгали
Шайланиб туради, орзуга айб йўқ:
«Анўв чеварамни уйлайман ҳали,
Боласин боқаман!» — дея кўнгли тўқ...**

**Эй, Орзу! Оламдай сирли ва суюк,
Сен тўхтам билмассан кўҳна работда,
Сен висол қадарли юксак ва буюк,
Висолдай ардоқли, висолдай содда...**

Чашми шаҳлоларнинг нозли нигоҳи
Кўнгилга нурафшан илҳом соладир;
Туйғулар оқими босаркан гоҳи,
Сўз топмай шоир ҳам ҳайрон қоладир.

Ер билан самони якқалам этган
Қоп-қора тунларга термилган чоғлар,
Қаро кўз шаънига мисралар битган —
Шоир юрагида оқ нур ўйноқлар.

Ўзгармас йўриқ бор азалдан, шоир,
Оловли бир боқиш, ўтли бир назар,
Ё сени бахт билан сийлайди охир,
Ё кўксинг ғусса-ю ғам ила эзар.

Эй, Кўзлар! Оламдай сирли ва суюк,
Тенгингиз топилмас асло ҳаётда!
Сиз юлдуз қадарли юксак ва буюк,
Юлдуздай ҳуснли, юлдуздай содда...

Асли кўнгил учун бир оғиз гап бас,
Ул ўзин сезмоғи мумкин бахтиёр.
«Агар буғдой нонинг бўлмаса, шартмас,
Буғдой сўзинг бўлсин!» — деган нақл бор.

Жилмайиб қарамоқ қийинмас ахир,
Илиқ сўз айтишлик, аслида, осон.
Кимнингдир сўзига доим мунтазир,
Кимнингдир меҳрига зор яшар инсон.

Ёнингда юрсайди меҳрибон ўртоқ,
«Ҳорм!» — деб тургувачи миннатсиз дўст-ёр.

Ногаҳон бошингга қуласа ҳам тоғ,
На заҳмат етказгай, на-да қилгай кор!

Эй, Сўзлар! Оламдай сирли ва суюк,
Ваъдаи висолдай тутарман ёдда!
Сиз чақмоқ қадарли юксак ва буюк,
Чақмоқдай шуълавор, чақмоқдай содда...

9

Фазода самолёт қалқса, алҳазар,
Шув этиб кетади юрак шу замон.
Баҳорда ўрикни совуқ олса гар,
Шу юрак пинҳона чекади афғон.

Онанинг шодлиги барқ урган чоғи
Юрак ўзин қайга қўймоқни билмас.
Дўсти алдаб кетса, кетмайди доғи,
Ўт олган ғазабнинг ўти босилмас!

Чаноқда қолганда энг сўнгги мисқол,
Қайишиб туради пахтакор мардга.
Юрак тўлуғ зрур лим-лим, бемисол,
Тансиқ бир туйғуга, ажиб бир дардга.

Эй, Юрак! Оламдай сирли ва суюк,
Қудратинг аёндир заррот-зарротда.
Сен қуёш қадарли юксак ва буюк,
Қуёшдек сахийсан, қуёшдек содда...

10

Пахтакор доврўғи учқур шамолдан,
Пахтакор йўлига сочилгай чечак.
У машриқ, мағрибда, жануб, шимолда
Тилдан тилга кўчар бамисли эртак.

**Манглайдан тўкилган бир қатра терда
Борлиқ жилоланиб очади жамол.
Пахтакор ўзбегим бор экан Ерда,
Заминга камолу, Заминга камол!**

**Қуёшнинг шаҳди жам кўздаги нурда,
Атомлар шиддати у олдида лол.
Пахтакор ўзбегим бор экан Ерда,
Заминга камолу, Заминга камол!**

**Эй, Инсон! Оламдай сирли ва суюк,
Монандинг бўлмаган саъю саботда!
Сен тоғлар қадарли юксак ва буюк,
Тоғлардай камтарин, тоғлардай содда!.**

1974

Уддалай олмайди ғазаб-қаҳрини,
Ёмғир ўзин урар тошлик йўлларга.
Бир орзу ёритган эди бағрини,
Қўшилмоқ истарди мавжли кўлларга.

Кўллар сийнасига бошини қўйса,
Она қўйнидаги гўдак мисоли,
Миннатсиз покиза меҳрга тўйса,
Юлдуздай нурланса тиниқ жамоли,

Сувнинг тағларида юзган оқ булут
Кифтига миндириб олганча уни,
Томоша қилдирса кенг ва беҳудуд
Зангори осмонни, дунё ҳуснини!

Кейин-чи! У ёғи бундан ҳам гўзал!
Чўкиб борса тошлар кўринган қаърга,
Мўъжиза юз берса, пайт келиб бир гал
Айланиб қолса у дуру гавҳарга!

Кўлдан ёри учун гавҳар излаган
Йигитнинг қўлига тушса ногаҳон!
Кўлни тарк этсаю қизнинг сиймтан,
Оппоқ сийнасида ёнса беармон!

Шу орзу ёритган эди бағрини,
Қўшилмоқ истарди мавжли кўлларга...
Уддалай олмайди ғазаб-қаҳрини,
Томчи ўзин урар тошли йўлларга.

«Бу гал ҳам бўлмади!— дер томчи ғариб.—
Тағин қуёш сари юзни бургайман.
Сўнг кўкка учгайман қанот чиқариб,
Бахтимни яна бир синаб кўргайман!»

1972

1973 йилда Совет Иттифоқи аҳоли-
си 250 000 000 га етди...
Улуғ Ватан урушида 20 000 000 совет
граждани ҳалок бўлди...

**Миллионлар шаънига қасида айтмоқ —
Куйчининг мукаммал бахти саналур.
Миллионлар!**
**Қардош эл,
Дўст,
Уруғ-аймоқ,
Сизнинг кўзингизда ёниб турган нур
Менинг кўзларимда қайтарар шуъла.
Қандайдир ташвиш-ла юрган чоқда сиз,
Менинг юрагимда кечар ғулғула,
Ахир бир Ватанда яшамоқдамиз.**

**...Фарзандларин йигиб донишманд бир чол
Ғаройиб насиҳат қилибди пича;
Новдалар олибди,
Кейин бемалол
Синдириб чиқибди айри-айрича.
Сўнг дебди:
«Болалар!**
**Бирлашмасангиз,
Новдадай синарсиз,
Бўларсиз хор-зор.
Шуни деб туғмаган сизни онангиз,**

Отангиз боқмаган,
Йўқни этиб бор!»
Бу гап қачон бўлган —
Билолмас дунё,
У қуёш каби ёш,
Тупроқдай қадим.
Миллионлар!
Ёмбидай гапни бу асно
Анчайин ҳикмат деб эсга олмадим.

Тарих йўлагиди биқиниб туриб
Отасин чалишга мойил болалар,
Кўзларнинг
Зиндонга қамалган
Нури,
Дилдан
Эркинликка учган
Нолалар,
Саҳролар чангидай дайдиган ҳасрат,
Кўллардай лиммо-лим зардоб,
Изтироб,
Толемас,
Тоғ мисол балойи офат,
Орзумас,
Уфқда кўпирган сароб,
Кўзингга бақрайган палағда турмуш,
Ҳаловатсиз ҳаёт...
Бари борица,
Бари ўтиб кетди бамисоли туш,
Бари кеча эди,
У — кеча,
Кеча...

Бу дамлар ўзгача.
Ўзгача олам
Қуёшнинг қошида очар қатини.

Миллионлар!
Биз дилга жойлабмиз маҳкам
Донишманд қария насиҳатини!
Оққуш,
Чўртанбалиқ,
Қисқичбақадай
Ҳаёт аравасини этмадик талош.
Биалар
Бош чиқардик битта ёқадан,
Эл-халқ,
Уруғ-аймоқ.
Ёру дўст,
Қардош!
Гарчи аримайди ҳар хил ташвишлар,
Кўнгил фахр билан тўла шу замон.
Ҳаёт!
Тинчликсевар юртни олқишла!
Бу кун
Биз — икки юз етмиш миллион!

Шу замон,
Унгимда тикланар тасвир:
Ёзиқлик файзиёб эл дастурхони,
Теграда солланиб кўринмас ахир,
Йигирма миллион,
Уруш қурбони...
Рўйхатчи!
Яхшироқ ҳисобла бугун,
Яхши билиб қўйсин жумлаи жаҳон!
Умр ҳасрат билан ўтмади бутун,
Бу кун,
Биз — икки юз етмиш миллион!
Энди бас,
Урушнинг ўчиб қораси,
Тинчлик тантанавор кўксини керсин!
Гул бўлсин водийлар,

**Чўллар ораси,
Шу улкан рўзгорнинг бахтини берсин.
Еш йигит юргандай ёр ҳавасида,
Дўстлик ҳам дилларни овлайди моҳир.
Миллионлар!
Сиз учун ёзди қасида,
Бахтлиман, демоққа ҳақлидир шоир!**

1973

МОРБОЗ ВА КЎЗОЙНАКЛИ ИЛОН ҚИССАСИ

(Ҳазил)

**Қадим, кўҳна замонда,
Қадим Сурхон томонда
Бўлар эди бир морбоз,
Довруғи баландпарвоз.
Уйида кўп бор илон:
Уқ илон, кўлвор илон,
Чарх илону сув илон,
Кўр илону қув илон...
Барини қилмиш тутқун,
Ваҳима, ваҳшат учун.**

**Аммо унга шон берган,
Ризқу рўзу нон берган,
Обрўсини оширган,
Элу халқни шоширган
Кўзойнакли илондир,
Бу ҳаммага аёндир.
Саватига солганча,
Сурнайини чалганча,
Қишлоқ оша, юрт оша
Кўрсатади томоша.**

**Морбоз илоннинг бирин
Одамлардан яширин**

Боқар табибга атаб;
Аммо узунқулоқ гап
Тарқади: «Нима дейсан,
Заҳри бад илон экан...
Бир чақса ўлдиранмиш,
Гулдайин сўлдиранмиш,
Итга заҳар солипти,
Ит-чи, ўлиб қолипти...»

Морбоз уйига бир кун
Келди юзлари сўлгин —
Келинчак, афтода ҳол:
«Агар келмаса малол,
Бор эди бир илтимос,
Аҳволимни англанг рост,
Нажот бермасангиз гар,
Кундан-кун ҳолим баттар,
Иложини қилмасман,
Не қилмоқни билмасман...»
«Хўш, нима гап!» — дер морбоз,
Кўз ёшини артиб боз
Келин сўйлар: «Ёрим бор,
Турмушимиз бахтиёр.
Аммо қайнонам заҳар,
Тинчлик йўқ шому саҳар,
Утирсак, ўпоқ дейди,
Турсак-чи, сўпоқ дейди,
Анқов, лакалов, лаппас...
Гапирсам гап кўп, хуллас!
Сизда илон бор эмиш,
Эшитдимки, зўр эмиш.
Шуни бера қолинг сиз,
Дуомизни олинг сиз!»
Морбоз дер: «Келин шўрлик,
Кўргулик-да, кўргулик!
Билсанг, қизим, бу гап чин,

Морбозлигим сабабин,
Қўрқсин дея қайнонам,
Илон боқаман мен ҳам!
Сен айтган илон бироқ,
Феъли бад, бошқачароқ.
Ҳазилни билмас бутун:
Заҳар солиши мумкин!»
«Асло олманг хавотир,
Жонимдан тўйдим охир!
Ўзи қанча турар ул!
Сотинг менга, мана, пул!»—
Деғач ҳовучлаб жонни,
Олиб кетар илонни.

Ўзида йўқ келин шод
Келар чиқариб қанот.
Хаёлида режалар
Бирин-бирин кечалар:
Қайнонаси бўлса гум,
Юзларида табассум
Ёри билан икковлон,
Токи тургунча жаҳон,
Умр майин нўш этса,
Мурод-мақсадга етса!..

Қайнонасин кўрган чоғ,
Илонни қўйди!.. Эвоҳ!
Одамга ташна илон,
Заҳрин сочди беомон!
Йўқ! Қайнона сезмади,
Пинагини бузмади
Илон-чи, чаққан заҳот,
Вишиллаб чекди фарёд,
Ўзин отиб ҳар томон,
Шўрлик охир берди жон!

1973

Баргларга бош қўйиб ухлайди шамол,
Ариқ жилдирайди бир хил йўсинда.
Ҳадсиз хаёлингга уйқашиб хаёл
Инон-ихтиёринг олади. Шунда
Дарчадан хонангга сирғалган оқ нур
Чехрангга соларкан қатим-қатим из,
Сочинг толасига маҳкам боғланур,
У нур — хаёлимдир, эй кўзи наргиз!

Пардани силкитар дайди бир эпкин,
Деворга уринар, кўз йўқ-да унда!
Ел ҳолига кулиб қўясан секин,
Боғ тараф назаринг ташлайсан шунда,
Кўрай десанг, кўзинг юмгил, эй суман!
Табиат зарриндир, борлиқ сим-симдир!
Кўзингни юмганда, кўринур чаман:
У чаман — ёп-ёруғ орзуларимдир!

Ўтруда тошойна. Тошойна ичра
Ёстикқа бош қўйиб ётибсан кундай.
Қирқ кокил кетмишдир қирқ томон сачраб,
Йиғиб олмоққа ҳам беҳолсан. Шунда
Садолар келади садога пайваст,
Қулоғинг беркитгил маҳкам шу они!

**Қулоғинг беркитсанг эшитилур сас:
У сас — дил тепиши, дилим сурони!**

**Ҳадемай ўрталиқ оқара бошлар,
Ватаним тонглари тенгсиз фусунда!
Мен уйқу бузгувчи одатим ташлай!
Бас, аста чекилай қошингдан! Шунда
Борлиққа қуюлар сокин сукунат,
Ариқ ҳам тинади, тўхтайди анҳор.
Уша сукунатда — сустлик ва суръат,
Уша сукунатда — видо ва виқор...**

1974

Хув тоғларга қор тушар,
Боғларда анор пишар.
Қачон менинг тоғ қалбим
Сен боғ билан топишар!
Эй, тоғдаги мағрур қуш,
Совуқ тошга босма тўш!
Хув дарада бир қиз бор,
Ёстиғининг ярми бўш...
Чўққидаги қоя тош
Ёлғизликдан эгар бош,
Яккаласа ёмғирлар,
Кўзларидан тўкар ёш.
Боғда ҳам бир танҳо гул,
Танҳоликда аъло гул,
Кўз ёшига юз ювар
Сўнгсиз ғамларга машғул,
Сен ёлғизсан, мен — диққат,
Иккимизга йўқ шафқат.
Ўртамизда овора —
Сарсон бўлди муҳаббат...
Хув тоғларга қор тушар,
Боғларда анор пишар.
Бир кун менинг тоғ қалбим
Сен боғ билан топишар...

Ошкор айта қолай, яширмай ҳаргиз:
Сизни суюдирган мен ўзим, ўзим.
Ўзбеклар элида биргина, ёлғиз
Сизни деядирган мен ўзим, ўзим.

Неча ойлар ошиб, неча йил ошиб,
Булутдай тутшиб, шамолдай шошиб,
Мадҳу мақтовингиз дилимда ташиб,
Элга ёядирган мен ўзим, ўзим.

Етай десам, сизга етиб бўлмаса,
Кетай десам, сиздан кетиб бўлмаса,
Нетай, сифотингиз битиб бўлмаса,
Куйиб-куядирган мен ўзим, ўзим.

Оҳ десам, оғзимдан сачрайди учқун,
Ер ила самони дуд босгай бутун,
Лекин юрт тақдирин ўйлабон бүгун
Тилин тиядирган мен ўзим, ўзим.

Қаро кўз, мен сизни севарман, аён,
Гувоҳлик бергуси Ер билан Осмон,
Сизга меҳр қўйдим, йўқ энди гумон,
Жондан тўядирган мен ўзим, ўзим!

1974

**«Хайр! Кўнгил иши нозик,— дедим мен,—
Қайта изим тушмас, бўлди, бу ёққа!»
Нечун кўз ёшингни дарё қилиб сен
Шижоат топмадинг «Қолгил!» демоққа!**

**Қайтдим... Дил юзидан ўта олмай мен,
Соғинч олиб келди яна бу ёққа.
Нечун бардошингни адо қилиб сен,
Жасорат этмадинг «Кетгил!» демоққа!**

**Тўйгулар тин олар, хаёллар қотар,
Кўнгил бола мисол тийиқсиз, фақат
Ўзин ерга урар, осмонга отар
Икки юракдаги битта муҳаббат...**

1975

**Оппоқ кечгларда кўчалар тиниқ,
Уша бекинмачоқ ўйини кетар.
Бурчак-бурчакларга биқиб, беркиниб,
Сукунат қўйнида болалар кутар.**

**Паккада қолардим мен эса ҳар гал,
Мен излаб топишни яхши кўрардим.
Садақайрағочнинг ортига гўзал —
Қизча ҳам яшринар — шундайди дардим.**

**Қидириб у қизни топардим доим,
Болалар норизо бўлгани онда
Ёнимда турарди кулиб мулойим,
Уни топганимдан боши осмонда.**

**Бугун ул дўстлардан дарак йўқ, мана,
Бугун ул қизалоқ қайдадир, ҳайҳот!
Улкан ўйинларга тортди замона,
Бурчак-бурчакларга яширди ҳаёт!**

**Ташвишлар тоғини орқалаб азод,
Тонг билан чиқаркан катта кўчага,**

**Бир лаҳза, бир лаҳза орзиққанча шод
Қайтгим келар ўша оппоқ кечага...**

**Дўстлар, бошингизда қандайин савдо,
Қандайин шодликдан ёнасиз бугун!
Бугун тепангизда тиниқми само!
Бугун дилингизда йўқмидир тугун!**

**Оппоқ кечаларда мурғак дил аро
Рўёбга чиқмоғин кутган орзулар,
Бугун барг ёздими ям-яшил ва ё
Маъюс хотирага айланди улар!**

**Сен қайга яшриндинг, эй мулойим қиз!
Қидириб сени ҳам топмайин қолдим.
Беркингандай осмон қаърига юлдуз,
Сен ҳам муаммолар ичра йўқолдинг.**

**Сен дилбар қиз эдинг, хушчақчақ, лобар,
Топдингми, ўзинга муносиб бир ёр!
Тинчмисан, соғмисан, хабар бер, хабар,
Бахт олиб келдимми сен кутган баҳор!**

**Балки сен, моҳпайкар, гулрух, нозиктаъб,
Дунё маликаси дегулик бир қиз,
Қайси бир нодоннинг раъйига қараб
Турмуш кечирасан ночор ва ҳиссиз!**

**Сахролар қўйнида пўлат от сурган,
Пахтакор қиз ўша сенсан эҳтимол!
Балки сен инженер — тоғда йўл қурган,
Балки сен раиса — мўътабар аёл!**

**Бекинмачоқ дедик, яшириндик охир,
«Беркин!» — деб ланг очди ҳаёт ҳам қўйнин.**

**Бугун, мана, кўрдим, қанчалар оғир,
Қанчалар шафқатсиз экан бу ўйин!**

**Гулни беркитгандим, қолибди хазон,
Ўтни яширгандим — кул топдим фақат.
Яшриндими, ортиқ қайтмагай имкон,
Яшриндими, қайтмас ортиқ муҳаббат!**

1974

ОШИҚЛАР ЭРТАГИ

Достон

Юзунгнинг нурина минг нур етмас.
Хоразмий. «Муҳаббатнома»дан.

1

Неча нунки ғамгиндир Вафо,
Кўзларига уйқу илинмас.
Тонг отдими, кун ботдими ё,
Йигитга ҳеч фарқи билинмас.
Неча кунки ёмғир олмас тин,
Наҳот осмон ўйилгани рост!
Бу томчилар ёмғирмас лекин,
Бу — йигитнинг кўз ёши, холос.

Неча кунки Вафо ўзда йўқ,
Ўз-ўзига бегона мисол.
Еру кўкда, ҳатто сўзда йўқ
Уч қуйруқсиз девона хаёл
Эргаштириб кетади йироқ...
Қалдиरोқнинг келар дараги.
Бу эмасдир момақалдироқ,
Бу — ўкирган йигит юраги!

Битта қиз бор — атарлар Меҳр.
Меҳр, Меҳр, тўкис бир сеҳр!
Оҳ, шафтоли гулидай қирмиз
Чехрасидан оқ нур сочган қиз,
Ниҳол янглиғ нозик, нораства,
Гунафшадай созу ораста,

**Ун еттига тўлган десам гар
Адашмоғим бўлур муқаррар!**

**Неча кунки ул чеҳраси ол,
Шомда ботган офтоб бамисол
Ғойиб бўлди кўзлардан буткул.
Ортиқ жамол кўргизмайди ул,
Далаларга йўл олмайди ҳеч,
Боғлар сари тушмайди изи.
Ё уйдами ётар эрта-кеч
Гулқишлоқнинг гулюзли қизи!**

**Неча кунки Вафо интизор,
Қиз чиқса деб жониқар ўғлон.
Дунё бўлар кўзларига тор,
Паст туюлар қорамтир осмон.
Шу он кўкда ялт этди чақмоқ,
Ялтиради тоғларнинг боши.
Бу йилдирим эмасдир мутлоқ,
Бу — ғамзада йигит қароши!**

2

**Боғ четида йигит билан қиз,
Одамлардан нарида ёлғиз
Ниҳолларни парвариш этар:
Вафо ниҳол тагин юмшатар,
Меҳр эса сув қуяр аста,
Сув ҳам сингиб кетар бирпасда.
Ҳа, Вафонинг хотирида бор:
Аввал баҳор ушбу олмазор
Барпо бўлди тақир далада.
Дарс тугагач, пешин паллада
Келишарди мактабдан бари —
Юқори синф ўқувчилари.
Шунда қизиқ иш бўлди содир,**

Аён фақат Вафога бу сир:
Меҳр кўчат ушлаб турарди
Вафо эса уя кўрарди.
Шу он қизга билдирмай ўғлон
Атир шиша беркитди пинҳон.
Ичига-чи қоғоз солганди:
«М + В» дея ёзганди.
Ўссин, томир олсин севгимиз,
Асрларга қолсин севгимиз!
Шуидоқ, лекин Меҳрга ҳануз
Очолмаган ишқ ҳақида сўз,
Билолмаган айтишнинг йўлин,
Айтиш қайда, тутмаган қўлин!
Қиз ушлаган ниҳолни ушлаб
Ошиқ йигит кўнглини хушлар...

Ўлтирдилар марзага икков.
Томирларда қон эмас, олов
Учқун сочиб оқар пуршиддат,
Гоҳ икки ёш этибон ҳиммат
Борлиқ сари нигоҳ отганда,
Борлиқ ўтга бўларди банда!

Меҳр, Меҳр қирқ кокилли қиз,
Кайвонилар каби хаёлчан.
Хаёлларга толмоқни ҳаргиз
Ўз-ўзига этолмади ман.
Валламатлар, ошиқ-маъшуқлар,
Шарафига битик қўшиқлар,
Мард қизларнинг фидокорлиги,
Севганига содиқ ёрлиги
Унинг ҳушин айлаб қўяр банд,
Ташлар хаёл қушига каманд.
Китобларни ўқиса танҳо,
Қўлтиқлашган йигит-қизни ё

**Кўриб қолса ногоҳ кинода,
Қизаради ўшал аснода...**

**Нозик адо санамнинг кўзи
Хаёллардан ўзгани кўрмас.
Бир одоблик ва лекин ўзи
Ҳол сўратмас ёки ҳол сўрмас.
Чўққиларнинг қоридай маъсум...
Кўзларида ёнса табассум,
Унг бетида ногоҳон ошкор
Ярашиқли кулдиргичи бор.
Хушбичимдир қомати жуда,
Сарв ўхшай деб уннар беҳуда
Шу орзуда ёнар оқ қайин...
Енгил нафас олгани сайин,
Тор кўйлақни гўё атайин
Кўкраклари туртарди майин.
Юпқа лаблар қимтингани чоғ
Титраб кетар мисли гул япроғ,
Бу дудоғлар, о, бу қиз лаъли
Бўса таъмин билмайди ҳали!**

М е ҳ р

**Утган куни синф — ҳаммамиз
Икшо ёздик ёдимда ҳамон.
Мавзу дилга яқину азиз...**

В а ф о

«Сен ардоқлаб юрган қаҳрамон!»

М е ҳ р

**Алпомишни ўйладим дарҳол
Отабекка талпинди хаёл,**

Гўзал Кумуш, маъсума Барчин...
Барчасини севарман гарчи,
Ардоқларман, аммо шу заҳот
Кўз олдимда жонланди Фарҳод!
Дунёга тенг тахт вориси ул,
Якка-ёлғиз суюкли ўгил,
Ой туғса ҳам ўшанга бўлғай,
Кун чиқса ҳам ўшанга кулғай,
Эпкин эсса эсгай шул тараф,
Шунда ёнмоқ — юлдузга шараф!
Не ками бор, не алами бор,
Бироқ йигит диёрма-диёр
Мискинликка қўл бериб, ажаб,
Олис арман элига қараб
Бош олдию кетди мардона...

В а ф о

Қойил эди унга замона.

М е ҳ р

Ҳали билмай — қандоқ эрур ёр,
Не тусдадир ул лоларухсор,
Тинглаб кўрмай ҳали каломин,
Эшитибоқ биргина номин
Тайёр, кўксин захга бермоққа,
Бошин тоғу тошга урмоққа!

В а ф о

У тунларда ёнган ёлқиндан
Урнав олса арзигаёй чиндан.
Ўқиганман шарҳин беармон,
Айтсам, мен ҳам уни севарман!
У жонкуяр оғамдек ахир,

Гоҳ севгидан излаб қолсам сир,
Нон-туз бўлган чин дўстпарга хос
Фарҳод билан кенгашурман, рост.

М е ҳ р

Фарҳод, Фарҳод, ажиб шер ўғлон.
Ўз бошига ғавго солибди:
Ёрин илк бор кўргани замон
Ҳатто беҳуш бўлиб қолибди!
Тоғу тахт не севги олдида,
Ўзга бахт не севги олдида!
Оддийгина ошиқ, ёр бўлмоқ,
Қўшиқ айтмоқ, ўйнамоқ, кулмоқ,
Орзу каби тизгинсиз тақдир
Рўбарўнгдан бош эгса ахир,
Бундай тақдир, бундай ишқ, жунун
Подшоликдан устундир, устун!
Хуллас, нечук дейин баёнин!
Мен Фарҳоддан ёздим иншони!..

Вафо сассиз ширин хўрсинди,
Сезди, қалбда нимадир унди.
Равшан тортиб кетди кўзлари,
Алвон рангга кирди юзлари.
Худди шундоқ: ёздилар иншо,
Назарида дунёда танҳо
Қаҳрамон йўқ Меҳрдан ўзга,
Меҳр, оҳ эй, сеҳрдан ўзга!
Саҳифалар тўлди бир-бирин,
Фақат номи қолди яширин.
«Меҳр» дея атаб бўлурми?
Офтобга тик қараб бўлурми!
Исм келган жойда беҳадик,
«Ширин» дея ёзди пардалик...

Ҳаёт гўзал, ҳаёт нурафшон!
Бир болакай каби мен шодман.
Парчинлайман Фарҳоддай шу он
Тош келса ҳам ботмону ботмон!
Тасодифми, қонуният ё!
Қаҳрамоним менинг ул барно...
Хуллас, нечук дейин баёнин!
Мен Шириндан ёздим иншони...

Сухбат ширин, шаккар — арода,
Қулоқ солар ҳатто самода.
Вақти тигиз қуёшнинг ўзи,
Уялгандан ловуллаб юзи:
Икки гулнинг сухбатин пинҳон
Эшитмаклик кимга бўлган шон!
Икки ғунча ҳеч кимни сезмас,
Иккиси ҳам чиндан эди маст.
Икки ғунча — икки ибтидо:
Бор эзгулик иккисида жо!
Дунёнинг бор шижоати-ю .
Иродаси, синмас шиддати,
Тонг қолдирар каромати-ю
Муруввати, майлу мадади,
Муҳаббати, меҳру вафоси,
Гоҳи вафо, гоҳи жафоси —
Бари яшар нафасдай пинҳон,
Яшар мисли жон ўрнида жон
Ҳеч ким, ҳеч ким билмаган ҳолда
Шу покиза икки ниҳолда...

Сухбат ширин, тилни ёради...
Буни зимдан осмон кўради,
Қувонади Меҳру Вафога,
Йигитга-ю қоши қарога.

Боғ иккисин кузатар эди;
Дарахтлар-чи, гўё қучай деб,
Бошларидан барглар сочай деб,
Шохчаларин узатар эди.
Юксакларда қушлар чарх урар,
Гоҳ йўлларин боғ сари бурар.
Азбаройи хурсандликдан маст,
«Чирқ-чирқ» деру сўз айта олмас!
Ўзларини қўймоқда бир дам
Жой тополмай чумолилар ҳам
Ғизиллашар эди ҳар томон...
Мавжудотда кечар ҳаяжон!

Иккисига боқиб маҳлиё
Табиат ҳам яшнарди, гўё
Фарзандлардан рози бир она
Айтганидай мамнун шукрона...

3

Туи қўйнида мудрар Гулқишлоқ..
Вафо уйғоқ ётарди бироқ.
Ана, ҳориб-чарчаб кун бўйи
Ёстиққа бош қўйгани қўйи
Қотиб қопти она боёқиш.
Рўзғорда ҳам қийнаб қолган иш:
Сигир бордир, томорқа-ю боғ,
Баридан қўл бўшагани чоғ
Уй олдига экилган кам-кам
Чимдим ўсма, райҳон, гулга ҳам
Қараб қўяр кампир қақажон:
«Ўсма бўлса, ноумид шайтон,
Қўйғувчи ҳам кеп қолар ахир!»—
Деб овутар ўзини кампир.

Ҳеч уйқу йўқ Вафода бугун,
Қулоғига кепар олис ун:
Адир ёқда, далалар аро
Тракторми гувиллайди, ё
Шовуллайди сойдаги тўғон!—
Фарқлай олмас сира ҳам ўғлон,

Адир ёққа сирғанган эпкин
Қир айланиб қайтди-ю лекин
Қочган уйқу қайтмади ҳануз:
Юлдузларга ташлаганди кўз,
Барин уйқу элитар эди,
Ҳориб базўр милт-милт этарди...
Ҳатто бўлиб уйқуга рози
Оғиб қолди ғарбга Тарози.

Вафо турди ўрнидан секин,
Енгил-енгил юрди боғ сари.
Орқасидан эргашди эпкин
Фавқулудда наво сингари.
Кеча сўлим эди бағоят...
Қоронғида тимирскиланди,
Пайпасларкан гулларнинг бандин,
Бир даста гул узди ниҳоят...

Ярим тунда нечун керак гул!
Ажаб, гулга қандай юмуш бор!
Ёр ишқида бўлиб беқарор
Андишани йиғиштириб ул
Меҳрларнинг уйига шошар,
Эшик қолиб, девордан ошар!
Елдек борар, елда-ку сас бор,
У елдан ҳам эди беозор...
Меҳрларнинг ҳовлиси мана,
Она-бола ухлашар. Ана,

Пашшахона ичида гўё
Парда тутган париларнамо
Кўринмоқда Меҳр уйқуда.
Боқиб меҳри товланиб жуда
Гулдастасин авайлаб ўғлон
Аста қўйди қиз боши томон:
«Ёмон тушлар кўрмасин лобар,
Бўлгил, эй гул, ундан бохабар!
Хаёллари бўлинмасин ҳеч,
Қора тунда бўлгил унга эш!

Эй, сочининг бўйларидан маст
Эй шаббода, тингла бир нафас,
Гар олисдан келар бўлса чанг,
Ё бўйи бад, ё дағал оҳанг,
Илтимосим, йўлатма бу ён,
Олиб кетгил саҳролар томон!
Ранжимасин асло қизгина,
Ором олсин жони озгина!»

4

Ён-верига қарамай шитоб
Борар эди чумоли хуноб.
Ажаб, бугун топмадим дон!
Келтирмоққа йўқми ё имкон!
Сув босгандир балки иини!
Қуш тепадан кўрди-ю уни
Қанотларин бўш қўйиб, пастлаб
Чумолидан сўрди: «Нима гап!»
«Э сўрама!— чумоли деди.—
Асло-асло кутмаган эдим.
Бўлган гапни эшитсанг, аён,
Ўкинурсан ҳам бегумон...»
«Чумолижон, судралма ахир!

Тезроқ сўйла!»— қуш дер бесабр.
«Сўйлай десам, сўйлашга тил йўқ,
Бироқ афсус, ўзга бир йўл йўқ.
Мана эшит: Меҳр ва Вафо,
Ул ботиру, ул кўзи шаҳло,
Табиатнинг икки боласи,
Гулғунчаси, суюк лоласи
Ногаҳонда уришибдилар,
Йўлни ҳар ён буришибдилар!»
«Не сабабдан бу ҳол юз бермиш!—
Ҳайратидан ёқа ушлар қуш—
Атай қилган балки ўзлари...»
Катта-катта очиб кўзларин
Чумоли дер: «Ундоқмас асло!
Бу шайтоннинг ишидир қаро,
Орага шу ғавғо солибди:
Йигит қизни ўпиб олибди!..»

Ушбу гапни эшитди-ю қуш
Бошин эгиб маъюс ва хомуш
Худди ини бўзилган мисол
Учиб кетди бемажол, беҳол.
Шамол пайдо бўлди шу замон:
«Кел, елкамга мингин, миттижон!
Фаромушсан, шавқинг паст нечун!
Сал рангинг ҳам синиққан бүгун!..»
«Аразлабди Меҳр ва Вафо,
Йигит қизни ўпиб олибди.
Хафа бўлган қиз ўша асно
Аччиқ қилиб кетиб қолибди...»
«Эвоҳ!» — деди ҳайратда шамол,
Бўстон ичра икки навниҳол,
Сомон ичра икки олтин дон,
Ул мард йигит, ул қоши камон
Ранжитсалар бир-бирин наҳот!..
Хуфтон бўлиб кўнгли шу заҳот

Дил-дилидан ғуссаси тошди,
Адирлардан бир зумда ошди,
Далалардан ўтди сас мисол,
Ҳаялламай йўлларда шамол
Чаманзорлар оралаб кетди,
Шошиб гулнинг қошига етди!
Сўйлай деса, чиқмас эди сас,
Ҳансирайди, нафаси етмас!
Фақат деди: «Ёмон бўлибди!
Эҳ, қара-я... Упиб олибди!»

Гул юзига ўрди қизил ранг,
Уялганин яшириб аранг,
Баъзўр топди ерга эгиб бош:
«Ўпволипти...» демакка бардош.
Гарчи кенг феъл, оғир ва вазмин,
Бироқ тинглаб тебранди замин:
Садо берди ғасирлаб тоғлар,
Титраб кетди тиниқ булоқлар!

Аён бўлди осмонга бу сир;
Осмон маъюс қовоғин солди,
Тунд булутга бурканиб олди,
Сўнгра деди: «Сўйла-чи, эй Ер!
Қолмоқдамен ташвишу ғамда,
Не қору ҳол ўзи оламда!
Нечун бордир орада нифоқ!
Меҳру Вафо эмаслар иноқ!
Икки ғунча — икки ибтидо,
Бор эзгулик иккисида жо!
Гар ҳамжиҳат бўлмаса улар,
Бу дунёни босгай қайғулар!
Менга ким қўл узатар ахир!
Чексиз бағрим безатар ахир!»
Нидо қилар Замин ҳам: «Ҳайҳот!

**Бас, ким нени айлагай обод!
Ким дон сочгай, ким чигит эккай!
Ардоқлагай, парвариш этгай!»**

**Мушибатдан қад букиб буткул
Япроқларин тўкар эди гул:
«Кимга, улар бўлмаса агар,
Таратгайман бўйи муаттар!»**

**Пилдирайди питрак чумоли,
Тирикчилик эди хаёли:
«Бир-бирига этсалар жабр,
Ким боқади бизларни ахир!...»**

**Сув бўйида ўлтирар вафо,
Хаёлидан кечарди онлар.
Титратувчи туйғулар аро
Ғимирларди шубҳа-ғумонлар.
Нима бўлди ўшанда ахир,
Нечун ўзин қўйди қийноққа!
Тош отганди сувга, бирма-бир
Ҳалқачалар қайтди қирғоққа.
Шундай қайтди хотиралар ҳам,
Юз бергандай ҳозирда гўё:
Меҳр икков кун ёйилган дам
Ўлтирарди пайкалда танҳо.
Иккиси ҳам мамнун ва шодон,
«Беш» олишди ахир иншодан!
Муаллима дедилар бироқ:
«Меҳр, Вафо, ўйланг яхшироқ,
Ёзганингиз гарчи беҳато,
Хатингиз соз, жойида имло,
Ўқувчисиз, шу ёшда ахир**

Ишқни шундай таърифлаш надир!
Не дей мазмун-маънингизга, а!
Ярашурми шаънингизга, а!..»

Ҳозир бари пўписа-ю дўқ
Йигит-қизнинг хаёлида йўқ.

М е ҳ р

Уқимоққа Тошкентга кетсак,
Фан боғида бирга сайр этсак,
Фазоларга учсак икковлон,
Шон-шарафлар қучсак икковлон.
Марсга қадам қўйган чоғимиз,
Эсга тушса Гулқишлоғимиз...

Сўзларди-ю Меҳр ёнарди,
Гулчеҳраси оловланарди!
Бир парча ўт каби ҳар калом
Куйдирарди Вафони тамом!
Вафо шунда ўзин унутди,
Худди шайтон қўлидан тутди!
Каловланиб тургач бир фурсат,
Пайдо бўлиб қайдандир журъат,
Йўқ, журъатмас, ақлидан озди:
Қиз юзига лабларин босди!
Вужудига кирди-ю титроқ,
Ногоҳ кетди ўзидан йироқ...

...Жаннат эмиш, атроф ёп-ёруғ,
Ҳаттоки қилт этган шамол йўқ.
Боқса, жаннат йигит-қизлари
Қўлтиқлашиб юрармиш бари.
«Беҳаёлар!» — дер эмиш Вафо,
Қайтиб келар эмиш акс-садо...

Кўзларини очди-ю ҳолсиз
Аламидан йигит тўлғанди:
Хуркиб қочган капалакдай қиз
Аллақачон кетиб қолганди.

6

Шундан бери уйдан чиқмас қиз,
Ё чиқса ҳам билдирмас ҳаргиз.
Шундан бери дилгирдир Вафо
Шундан бери айниган қаво,
Сойлар тошқин, булутлар тўлғин,
Далалар бўш, боғлар ҳам сўлғин,
Интиқ эди қушлар унига,
Чумолилар кирмиш инига...

Вафо борар адирлар томон,
Гуллар териб келсам, дер ўғлон.
Ичи ёнар, усти шалаббо,—
Ҳеч бирига қилмайди парво.
Олисларда қуюлар булут,
Гоҳи чақмоқ пусқуради ўт,
Майсаларга ёғади ёмғир,
Жарликларда оқади ёмғир,
Гўё сувда қолганди борлиқ...
Кўрсатибми ё ғамгузорлик,
Фаҳм этибми Вафо аҳволин,
Дариғу ғам паришонҳолин,
Йиғлар эди она табиат,
Йиғлар эди она табиат...

Аламзада Вафо йўллардан
Терар ёмғир ювган гуллардан,
Уларда на чанг бор, на ғубор,
Улардан на етгуси озор...
Наъматакдан терар бир даста,

Чиннигул ҳам кўпаяр аста,
Мойчечакдан саралар кам-кам,
Оралатар бўтакўздан ҳам,
Кеза-кезз ҳолдан тойганда,
Уйга қайтар қош қорайганда...

Тун оғди-ю кўзғалди Вафо,
Инкори йўқ бир мақсад аро
Гулдастасин қўлга олди-да,
Меҳрларкинг уйи олдида
Пайдо бўлди! Девордан яна
Ошиб ўтди ошиқ мардона!
«Эй, гулларим, умидим сиздан!
Чиқармангиз умримни издан!
Мен густоҳлик қилибман, билдим,
Ҳам гумроҳлик қилибман, билдим!
Ул ғунчага ёлворинг зор-зор,
Қабул этсин узримни бир бор!
Қабул этсин! Йўқса на қилгум!
Ўз ўтимдан ўзим ёқилгум!..

Шундай дегач, гулларни пинҳон
Остонага қўйди-ю ўғлон
Елдек қайтди, елда-ку сас бор,
У елдан ҳам эди беозор...

7

Ранжиб қолди Меҳр — лобар қиз,
Қоп-қоронғи бўлди жаҳони.
Наҳот ғазаб олдида ожиз,
Наҳот, оҳ-воҳ — ёлғиз имкони!
Алам қийнар қалбини баттар,
Тил уқмас-ку, алам-ку басир.
Умри бино бўлиб бу қадар
Ҳақоратга қолмаган ахир!

Булоқларнинг сувидай шаффоф,
Чаманларнинг ҳавосидай соф
Таратгувчи руҳафзо ислар —
Туйғуга тош отмадиларми!
Ланжу нопок, мажмағил ҳислар
Ботқоғига ботмадиларми!
Беандиша, беодоб Вафо,
Бефаросат, бефарқ... На фзқат
Кечирмоқ йўқ, йўқ эрур ҳатто
Қорасини кўрмоққа тоқат!
Шундай дерди идроки... Бироқ
Эшик сари ундарди оёқ.

Тонг саҳар қиз уйқудан турди,
Остонада гулларни кўрди.
Кўрди-ю суст кетди юраги!
Худди шундай боғлар чечаги
Булбул сасин тинглаб олисдан
Орзиқишдан, ширин бир ҳисдан
Ихтиёрсиз титрайди гоҳи...
Бу гуллэрнинг недир гуноҳи!
Бўтакўзда қалқиб турар ёш,
Чиннигулнинг юзи қонталош,
Эгмиш эди мойчечак ҳам бош,
Кўриб қизда нуради бардош...

Кузатарди онаси пинҳон,
Кўриб гўё бўлди-ю ҳайрон
Билмагандай сўради: «Ия!
Оёқли гул қайдан келди-я!»
Бепарвороқ кўрсатиб ўзин
Қиз дер ерга тикканча кўзин:
«Келтирибди кечаси шамол...»
«Шундай дегин... Ҳа-ҳа, бемалол
Битта-битта юриб терган-да.
Хўп ақлли шамол экан-да!..

Ҳа, гул тутмай қола қолинг сиз!»
Қочиб ўйга кириб кетар қиз!
Бари, бари ўхшарди тушга:
Табиат ҳам келар жунбушга,
Юксакларда чақмоқ чақилар,
Юксаклардан тушаркан ёмғир,
Деразани чертар-да бир-бир
Ташқаряга қизни чақирар.
«Йўқ, йўқ!» — дерди идроки, бироқ
Эшик тараф тортарди оёқ.

Дарвозанинг устига минган
Қўрғошиндек булутлар бари
Бамисоли қаноти синган
Бургутлардек эди жангари.
Шамол эса мунгли ва маъюс
Теваракда кезиб юарди;
«Чиқмайсанми,— деб,— эй қора кўз!»
Қиз эшигин тақ-тақ урарди.
«Йўқ, йўқ!» — дерди идроки, бироқ
Эшик тараф тортарди оёқ.

Шоштиради дўқ қилиб осмон:
Гумбирлайди момақалди роқ!
Қўрқиб кетар Меҳр ногаҳон,
Вужудини босар қалтироқ!
Хаёлига кенг дала келар,
Йигит ўпган хуш палла келар...
Ўз-ўзига қиз дер шу они:
«Кечирсанг-чи бир бор Вафони!
Не керак ғам, не керак қаҳр!
Кечирмоқ ҳам буюк бахт ахир!»
«Йўқ, йўқ!» — дерди идроки, бироқ
Эшик томон ундарди оёқ...

Меҳр энди чиқар югуриб!..
Қизнинг тоза рухсорин, ажаб,

Шифтда тинган қушчалар кўриб
Гур учдилар осмонга қараб!
Учар экан тобора баланд,
Булутларнинг қора карвони
Бўлар эди парканду парканд,
Ёришарди машриқ осмони!

Йигит ва қиз аста боқдилар,
Ишқ селида пинҳон оқдилар.
Икки гунча — икки ибтидо,
Бор эзгулик иккисида жо!
Дунёнинг бор шижоати-ю
Иродаси, синмас шиддати,
Тонг қолдирар каромати-ю
Муруваати, майлу мадади,
Муҳаббати, меҳри вафоси,
Гоҳи вафо, гоҳи жафоси —
Бари яшар нафасдай пинҳон,
Яшар мигли жон ўрнида жон,
Ҳеч ким, ҳеч ким билмаган ҳолда,
Шу покиза икки ниҳолда...

Бор бўлсин-да меҳр ила вафо!
Хор бўлсин-да қаҳр ила жафо!

1976

МУНДАРИЖА

I

Даъват	7
Уйғониш	9
Болалигим хотираси	12
Овчилар	13
Янги йил қадаҳи	15
«Кемалар бәстириб келишин қўймас...».	17
Бешгул. Достон	18
Нурли лаҳза	28
Умр	30
Она дуоси	32
Чоллар	34
Ғафурнинг уйи	37
Юртим осмонида юлдузлар	40
Қорақалпоқ шоирларига	42
Номаълум узбек солдатига	47
Оққуш кўли Қубалақ	50
Фахрия	52
«Уддалай олмайди...»	59
250 000 000	61
Морбоз ва кўзойнакли илон қиссаси	65
«Баргларга бош қўйиб ўхлайди шамол...»	68
«Ўув тоғларга қор тушар...»	70
Эътироф	71
«Хайр! Кўнгил: иши нозик, дедим мен...»	72
Бекинмачоқ	73
Ошиқлар эртаги. Достон	76

На узбекском языке

Мухаммад Али

СВЕТЛЫЙ ЛУЧ

Стихи и поэмы

Редактор А. Шаропов
Рассом А. Багдасаряп
Расмлар редактори А. Бобров
Техн. редактор Э. Саидов
Корректор Ш. Собирова

Босмахонага берилди 15 IX-76 й. Босишга рухсат этилди 23/III—77 й. Формати 70X90¹/₃₂. Босма л. 3,0. Шартли босма л. 3,51. Нашр. л. 3,2. Тиражи 10000. Р. 09467. Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 89—76.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг 1-босмахонасида № 1 қозоғга босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1977 йил. Заказ № 205. Баҳоси 57 т.